КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ ИЛМГОҲЛАРДА ЯРАТИЛАДИ

Вилоятда 1094 та маҳалла мавжудлигини, фаоллар сони тобора кўпайиб бораётганини ҳисобга олсак, ҳар бир ўқув даргоҳи билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, ҳамкорликда ишлаш имкониятлари борлиги маълум бўлади. 3 бет

ҲАР ОЙДА МАҲАЛЛАГА ҲИСОБОТ

Қарорда маҳалла фуқаролар йиғинлари ва "Маҳалла" жамғармаси бўлинмалари мажлисларида ҚВП ва тез тиббий ёрдам хизмати раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиб бориш белгиланган. 6 бет

"НАҚД"ГА УЧИБ НАҚДИНИ БОЙ БЕРГАНЛАР

Фирибгар кимсаларнинг «фалон фоиздан кечсангиз нақд пул қилиб бераман» қабилидаги гап-сўзларига ишониб, ҳамёнидан ажраб қолаётганларнинг қисмати бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши керак. 7 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

42 (748)

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри 2010 йил 21 октябрь. Пайшанба 1996 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон-Туркманистон: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 19-20 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташрифига Ашхободда катта тайёргарлик кўрилган. Шаҳар аэропорти, кўчалари икки мамлакат байроқлари, ўзбек ва туркман тилларидаги қутлов сўзлари билан безатилган.

Ташрифнинг асосий воқеалари 19 октябрь куни Ашхобладдаги «Ўғузкент» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг тор доирадаги суҳбатидан бошланди. Ўзбекистон-Туркманистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ислом Каримов ўзаро муносабатларни ҳар томонлама чуқурлаштириш борасида манфаатлар ва қарашларнинг муштараклиги, шунингдек, муҳокама қилинган деярли барча масалалар юзасидан позициялар ва ёндашувлар ўхшаш ва яқинлиги яна бир карра ўз тасдиғини топганини таъкидлади.

– Ўзбекистон Туркманистоннинг пухта ўйланган ташқи сиёсат йўлини, минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақада савдо ҳамда иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, транспорт-коммуникация йўлаклари ва энергетика йўналишларини ривожлантиришга доир холис ёндашувларини, асосли ташаббусларини изчил қўллаб-қувватлайди, – деди мамлакатимиз раҳбари.

Ўзбекистон раҳбари иқтисодий муносабатларга тўхталиб, дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётганига қарамай, 2009 йилда икки томонлама савдо айланмаси қарийб 40 фоиз ўсганини, бунда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ва кўрилган амалий чоралар, жумладан, Тошкент ва Ашхободда икки мамлакат миллий кўргазмаларининг ўтказилгани муҳим омил бўлганини қайд этди.

– Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида эркин савдо тартибини тўла жорий этиш мамлакатларимизда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг эркин ҳаракатланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ва корхоналаримиз ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилади, – деди Ислом Каримов.

Мамлакатимиз раҳбари Ашхобод шаҳрида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича Ўзбекистон-Туркманистон қўшма корхонасининг очилиши хўжалик субъектлари ўртасидаги тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги амалий қадам бўлганини қайд этди.

Ислом Каримов мамлакатимиз Туркманистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой газ қувури қурилишига оид лойиҳанинг амалга оширилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганини таъкидлади. Мазкур қувур табиий газ учун барқарор транзит йўлагини шакллантириб, Марказий Осиё минтақасидан углеводород хомашёси экспортини диверсификация қилиш имконини беради.

Ўзбекистон раҳбари минтақамиз коммуникация салоҳиятидан фойдаланишда мамлакатларимиз учун очилаётган истиқболли йўналишларга алоҳида эътибор қаратди.

– Бу ўринда гап Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Уммон-Қатар ва Форс кўрфазининг бошқа мамлакатлари орқали ўтадиган транспорт йўлагини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида бормоқда, – деди Ислом Каримов. – Бу масалани биз Туркманистон Президенти билан муҳокама қилдик ва мен бу лойиҳа, бу йўлак мамлакатларимиз катта эҳтиёж сезаётган коммуникация йўналишлари, жаҳон бозорига чиқиш учун улкан имкониятлар яратиши мумкинлигини Туркманистон Президенти тўлиқ маъқуллаганидан мамнунман. Ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Ўзбекистон ва Туркманистон ўзаро ишончли ҳамкор бўлади, деб таъкидламоқчиман. Бу оддий лойиҳа эмас. Ундан мамлакатларимиздан ташқари бошқа кўплаб давлатлар ҳам манфаат кўради. Ушбу лойиҳани амалга оширишда Туркманистон муҳим ўрин тутади. Агар Туркманистон мазкур ишни амалга оширишни бошласа, бошқа мамлакатлар ҳам уни қўллаб-қувватлашига ишонаман.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон-Туркманистон қўшма баёнотига имзо чекдилар. Мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентлар Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистоннинг Тошҳовуз шаҳрига бордилар.

Бу ерда 18 октябрь куни Ўзбекистон ва Туркманистон халқларининг дўстлик фестивали бошланган эди. Унда Ўзбекистон ва Туркманистондан уч юздан зиёд санъаткор иштирок этаётгани анжуманнинг кўлами нақадар кенг эканидан далолат беради. Фестиваль ўтаётган Сапармурод Туркманбоши номидаги сайилбоғ ҳар куни меҳмонлар билан гавжум бўлди.

Бу ерда Президентлар халқ амалий санъати буюмлари, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари кўргазмаси билан танишдилар. Чавандозлар, полвонлар ўз маҳоратини намойиш этди.

Туркманистон Президенти мамлакатимиз раҳбарига жаҳондаги энг ноёб ахалтеки зотидан бўлган «Ғайрат» лақабли от совға қилди.

Тошҳовуздаги «Руҳият» саройида дўстлик фестивалининг асосий воқеаси – Ўзбекистон ва Туркманистон санъат усталарининг галаконцерти бўлди.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов мамлакатларимиз муносабатлари тарихида илк бор ташкил қилинган ушбу ижодий анжуман ўзбек ва туркман халқлари ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

– Бугун барчамиз Туркманистоннинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Тошҳовуз шаҳрида ўзбек ва туркман халқларининг маданий ҳаётида катта из қолдирадиган тарихий бир воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз, – деди Ислом Каримов. – Ота-боболаримиздан қолган бир ҳикмат бор: агар қайси бир халқнинг табиати, қалби ва юрагини билмоқчи бўлсанг, аввало, унинг маданияти, адабиёти ва санъатини билиш керак. Чиндан ҳам, ҳар бир халқнинг шоир ва бастакорлари, бахшилари ва ижрочилари яратган асарларда шу элнинг қувончи, эзгу интилишлари, орзу-армонлари мужассам бўлади.

Туркманистоннинг миллий мумтоз санъати, жозибадор эстрада қўшиқларини эшиттанимда, туркман халқининг тобора обод ва фаровон бўлиб бораётган бугунги ҳаётини, унинг барча соҳаларда кўяётган дадил қадамларини, туркман ёшларининг азму шижоатини, сулув қизларининг назокатини ёрқин тасаввур қиламан. Ишончим комилки, мана шу ҳашаматли залда ўтирган туркман дўстларимиз ҳам буюк ўзбек шоири Алишер Навоий асарларини ўқиганда, куй ва қўшиқларимизни тинглаганда элу юртимизнинг кечаги кунини, бугунги фаровон ҳаётини ёрқин тасаввур қиладилар, деб таъкидлади Ўзбекистон раҳбари.

– Неча асрларки, Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудларида ўзига хос маданият ва цивилизация намояндалари аҳил ва иноқ яшаб келмоқда, – деди Гурбангули Бердимуҳамедов. – Бу халқларимизга хос меҳр-оқибат, тинчликпарварлик, очиқ кўнгиллилик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларнинг намоён бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, бундай фестивалар ўзбек ва туркман халқларини бир-бирига янада яқинлаштиради. Бу форум Ўзбекистон ва Туркманистоннинг замонавий ва мумтоз санъати билан кенгроқ танишиш, ижодий мулоқотларни фаоллаштириш учун қулай имконият бўлди. Зеро, маданият ва санъат намояндалари бир неча кун давомида театр ва концерт залларида ўз маҳоратини намойиш этиш баробарида, кўплаб ижодий суҳбатлар, учрашувлар ўтказдилар. Бу фестиваль икки халқнинг истеъдодли ижодкор ёшлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлади. Чунки фестиваль иштирокчиларининг асосий қисмини ёш авлод вакиллари ташкил қилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга расмий ташрифи якунига етди. Ушбу ташриф Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янада юксак босқичга кўтарилганидан ёрқин далолатдир. Ашхободдаги музокаралар ва Тошҳовуздаги дўстлик фестивали мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик, дўстлик ва қардошлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Ашхобод – Тошҳовуз – Тошкент.

Бугун — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Ҳар бир миллатнинг дунёда мавжудлигини кўрсатувчи омил бу унинг тилидир. Ҳур ва озод яшаётган миллат тили эса изчил тараққий этаверади. Мустабид тузум даврида иккинчи тил даражасига туширилиб, инқирозга юз тутаётган тилимиз республика раҳбариятининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни, тил ва ёзувга доир бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниши туфайли қаддини қайтадан тиклади, миллат тили сифатида кенг эътироф этилди.

Қадим ва бой тилимизни эъзозлаш, унинг тараққиёти тўғрисида қайғуриш жуда қадимдан мавжуд эди. Хусусан, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «Эрдам боши тилдир», деган ҳикматли гап келтирилади. Яъники, барча фазилатлар, барча эзгуликлар тилдан бошланади. Ўша даврлардаёқ ижтимоий аҳамиятга молик, деб қаралган тил масаласи кейинчалик Алишер Навоийнинг ижодида янада сайқал топди. Тилимизнинг нафислиги, бемисл бойлиги ва маъно позикликлари ҳазрат Навоийнинг асарларида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўз тасдиғини топди.

Истиқлол йилларида эса она тилимиз равнақига кенг имконият яратилди. Президентимизнинг ташаббуслари билан халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоминнинг берилгани улкан тарихий воқеа бўлди. Кейинчалик Конституцияда Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир, дея давлат тили мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ > [3]

Фахр

ҲАР ИНСОНГА РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР БОР

Ота-бувам бир умр далада кетмон чопиб, пахта етиштиришган. Аммо ҳеч қачон бири икки бўлмаган эди... Шуларни ўйлаб, бугунги кунларга минг бор шукрлар айтаман. Ахир, мен ер эгаси — мулкдорман. Ерга эгалик, манфаатдорлик кишида бошқача ҳиссиётлар уйғотади-да: ички бир иштиёқ, меҳр, катта ниятлар билан меҳнат қиласиз. Айниқса, сизни қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб туришганда.

Ҳукуматимиз томонидан фермерларга қанча шарт-шароит, имкониятлар яратиб бериляпти. Минерал ўғит, ёқилғи, техника дейсизми, бу борада муаммо йўқ. Нима ёрдам керак бўлса, ҳал этиляпти. Югур-югурларга чек қўйилган. Деҳқондан талаб этиладигани фақат меҳнат. 2004 йилда 108 гектар ер майдонида фермер хўжалик ташкил этиб, фаолият бошлаган бўлсак, пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам, шукрки, юқори ҳосилдорликка эришиб келмоқдамиз.

Фермер хўжалигимиз аъзолари билан кўп йиллик деҳқончилик тажрибаларига таяниб, астойдил меҳнат қилдик. Бу, албатта, ўз самарасини берди. Пахтачиликда 45-50 центнер ҳосилдорликка эришган бўлсак, ғаллачиликда бу кўрсаткич 62 центнердан ошди. 2008 йилда ер майдонимиз 168 гектарга кенгайди.

Бу йил менинг ҳаётимда энг унутилмас йил бўлди, десам хато қилмайман. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармонига биноан давлатимизнинг энг юксак мукофотига сазовор бўлдим: менга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» унвони берилди. Юртбошимизнинг бу эътиборидан кўнглим тоғдай юксалди. Ишончи оқлаш ҳисси мени янада ғайрат билан меҳнат қилишга ундади. Бу йил 85 гектар майдонда пахта етиштириб, давлатга режадаги 255 тонна ўрнига 402 тонна сифатли пахта хом ашёси топширилди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

Бугуннинг гапи

РЕКЛАМА ЯНГИЛИК ЭМАС

Аммо ундан фойдаланишнинг ўз тартиб, талаби бор

Шарқ бозорларида азал-азалдан ўз маҳсулотларининг хусусиятларини мақтаб, харидорларни чақириш одатий ҳол ҳисобланган.

Айни шу хусусият Шарқ бозорларининг қиёфасини белгилаган. Замонавий бозорда ҳар қандай ишлаб чиқарувчи истеъмолчини жалб қилишда ўз маҳсулоти ва хизматини реклама қилишдан фойдаланади. Бозор муносабатлари ривожланаётган даврда рекламасиз бозор иқтисодиёти маълум маънода ўз моҳиятини йўқотади. Реклама ҳақиқий бозор тизими қарор топишида катта аҳамиятга эга.

— Ҳар қандай қонуннинг мукаммаллиги унинг қай даражада ижро этилаётгани билан баҳоланади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ҳафиза Каримова. — 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонунига бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

ҲУҚУҚ > [7]

Иқтисодиёт чорраҳаларида

МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

«Асака» Давлат-акциядорлик тижорат банки капитал ва активлари ҳажми жиҳатидан Ўзбекистондаги етакчи молия институтларидан бири ҳисобланади. Банк ўз фаолиятининг бошиданоқ эришган молия хизматлари бозоридаги етакчилик мавқеини муваффақият билан сақлаб келмоқда. Мамлакат иқтисодий ҳаётининг барча иштирокчилари билан яқиндан ҳамкорлик, мулкчилик шакли ва фаолият кўламидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳолининг барча ижтимоий қатламларига кўрсатилаётган тезкор ва сифатли хизмат ютуқларнинг бош омили бўлмоқда.

Айниқса, мижознинг индивидуал талабидан келиб чиққан ҳолда кўрсатилаётган хизматлар банкка бўлган ишонч ва эътиборни тобора ошираётир. Жаҳоннинг етакчи ва нуфузли «Fitch Ratings» ва «Moody's Investors Service Ltd» халқаро рейтинг агентликлари томонидан "Асака" банк фаолиятига берилган юқори рейтинг баҳолар ҳам ушбу молия муассасасининг салоҳиятини яна бир бор намоён этади.

БАНК > [8]

Намунали маҳалла

ТАШАББУС ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛАЙДИ

Мустақиллигимизнинг ўтган ўн тўққиз йили давомида маҳалла фуқаролар йиғинлари жамиятимизда чуқур илдиз отиб, тадрижийлик асосида тўлиқ шакланди ва ўз ўрнига эга бўлди. Юртимизда маҳалланинг мукаммал тузилма сифатида фаолият юритиши учун унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Фуқаролар йиғинлари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида қатор қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Энг муҳими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлашда, маҳалланинг нуфузини кўтаришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари), диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, турли фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар аъзолари ва йиғин кенгашининг бошқа ходимлари фаол иштирок этмоқда. Ҳар бир ишда пешқадам, саховатпеша, ҳуқуқий саводхон, тажрибали оқсоқолларнинг фуқаролар йиғинларига раислик қилаётгани эса бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантираётир. Шу боис аҳолининг фуқаролар йиғинларига бўлган ишончи тобора ортиб бораётир. Уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш эса айни муддао.

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги "Кўкча Оқтепа" маҳалласи пойтахтимиздаги намунали фуқаролар йиғинларидан бири сифатида эътироф этилади. Ҳудудда маҳалла фаоллари ташаббуси билан кўплаб хайрли ва савобли ишлар амалга ошириляпти. Йўлингиз тушиб, маҳалла идорасига ташриф буюрсангиз, марказда яратилган шарт-шароитлар ва қулайликлардан, озодалигию ободлигидан кўнглингиз яйрайди.

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН > [4]

Озод юртнинг обод уйлари

ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР – ЮРТИМИЗ КЎРКИ

Пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" маркази кўргазмалар павильонида Қишлоқ аҳолиси учун уй-жойлар лойиҳаларининг II Республика кўргазмаси бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти, «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик тижорат банки, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кўргазмада меъморлар, лойиҳачилар, пудрат ташкилотлари, коммунал хизмат, сув, газ, электр энергияси таъминоти корхоналари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, қурилиш материаллари ва жиҳозлари, электр жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар, архитектура ва қурилиш йўналишидаги таълим муассасаларининг ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

Мамлакатимизда қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича мазмуни ва миқёси жиҳатидан мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Бундай улкан ишлар замирида юртдошларимиз, хусусан, қишлоқларда яшайдиган инсонлар турмуш фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизни янада яхшилаш сингари эзгу мақсадлар мужассамдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 январда қабул қилинган қарорига биноан қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда қуриш ва шу асосда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти ташкил этилди ва мазкур институт томонидан замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Бу лойиҳаларни амалга ошириш механизмлари ҳам шакллантирилган. Бунда қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий объектларни тайёр ҳолда топшириш шарти асосида фаолият олиб борадиган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси муҳим ўрин тутади.

Президентимизнинг 2009 йил 30 мартда қабул қилинган қарори асосида ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик-тижорат банки қишлоқларимизга замонавий қиёфа бериш, уларнинг кўркига кўрк қўшиш, қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш йўлидаги ишларни молиялаш, аҳолига имтиёзли кредит ажратиш йўналишида фаолият олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ўтган йилнинг сентябрь ойида қишлоқ жойлардаги 42 массивда қурилиши бошланган 847 уй-жой ўз эгаларига топширилди. 159 қишлоқ туманларидаги 223 массивда намунавий лойиҳалар бўйича 6800 уй-жой қурилиши давом этмоқда ва белгиланган муддатларда хонадонлар соҳиблари янги уйга кўчиб ўтмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича яратилган бу янги тизим қулайликларидан юртдошларимиз мамнун. Янги уй-жойли бўлишни истаган қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёш оилалар уй қурилишида ўз маблағи билан иштирок этмоқда. Қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан берилаётган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланмоқда. Энг муҳими, бу уйлар учун тўловларни бирданига эмас, балки 15 йил давомида аста-секин тўлаб бориш тартиби халқимизга катта имтиёз ва енгилликлар бермоқда.

Айни чоғда, бу борадаги ишларни доимий равишда такомиллаштириб бориш, аҳоли учун бундан ҳам қулай шароит ва имкониятлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 17 июнда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ уй-жойларнинг мавжуд намунавий лойиҳаларига ўзгартиш ва тузатишлар киритилди. «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этишга мўлжалланган бир қаватли 3, 4 ва 5 хонали уйларнинг намунавий лойиҳалари яратилди.

– Кўргазмада ана шу лойиҳаларнинг олдингиларидан афзал жиҳатлари билан лойиҳачи ва қурувчиларимиз атрофлича танишмоқда, ўзаро фикр алмашилмоқда, – дейди Қашқадарё вилояти архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Қурбонов. – Намунавий лойиҳалар асосида вилоятимизнинг беш туманидаги ер массивларида жами 100 янги уй-жой барпо этилди. Жорий йилда эса 20 янги массивда 735 уй-жой қурилиши давом этмоқда. Янги қишлоқларимизда шунингдек, мактаб, боғча, маҳалла гузари, минибанк, ишлаб чиқариш корхонаси, дўкон, ҳаммом, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари каби ижтимоий объектлар ҳам замонавий лойиҳалар асосида қад ростламоқда.

Келгуси йилда 31 массивда қурилиши режалаштирилаётган 805 уй кўргазмада намойиш этилаётган лойиҳалар асосида барпо этилади. Янги уй-жойлар шарқона усулда, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, табиий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай қилиб барпо этилиши такомиллаштирилган намунавий лойиҳаларнинг муҳим жиҳатларидир.

– Мазкур лойиҳаларда хоналарнинг кенгайтирилгани, деворнинг баландлиги 20 сантиметрга кўтарилгани, аёлларимизнинг рўзғор юмушлари билан шуғулланиши, чақалоқни парвариш қилиши, ҳордиқ чиқариши учун, кексалар ва болалар учун ҳам ўзига хос қулайликлар кўзда тутилгани, уйнинг бошқа қисмларига ўтадиган алоҳида даҳлиз бўлиши ва қўл ювиш, кийим-кечакларни илиш учун махсус жой ажратилгани халқимизга манзур бўлиши шубҳасиз, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги "Наверял Кегейли" ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти раҳбари Толғат Болтаев. – Бундан ташқари, гараж, ёзги ошхона, тандирхона каби кундалик турмушда зарур воситалар ҳам лойиҳада эътиборга олингани айни муддаодир.

Замон талаби, юртдошларимизнинг истаклари асосида ҳар қандай лойиҳага зарур тузатишлар киритиб, янада такомиллаштириб борилиши табиий ҳол. Энг муҳими, Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бугун барпо этаётган уйларимизни шундай мустаҳкам асосда қурайликки, у нафақат ўзимизга, балки етти пуштимизга ҳам хизмат қилсин, токи фарзандларимиз, невара-чевараларимиз бу уйларда соғ-саломат бўлиб вояга етсин, бахтли, осуда ҳаёт кечирсин.

Кўргазма иштирокчилари тадбир доирасида ташкил этилган уй-жой қурилиши учун ер массивларини танлаш, такомиллаштирилган намунавий лойиҳаларнинг афзалликлари, қишлоқда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун фуқароларга имтиёзли ипотека кредити бериш, тайёр ҳолда топшириш шартлари асосида уй-жойларни қуриш тартиби каби масалаларга бағишланган семинарларда иштирок этдилар.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири

Жамғарма кўмаги билан

ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Жиззах вилоятида кам таъминланган оилаларга, умуман, мурувватталаб кишиларга ғамхўрлик кўрсатиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Узоқ муддатга мўлжалланган дастурлар ва чора-тадбирлар ижросининг таъминланиши эвазига воҳанинг шаҳар ва туманларида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг аҳволи яхшиланаяпти. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими, унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бу борада ибрат кўрсатишмоқда.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида жамғарманинг вилоят бўлими томонидан ўтказилган хайрия тадбирларига ажратилган 801 миллион сўмдан зиёд маблағ кўплаб мурувватталаб инсонларнинг кўнглини кўтарди. Жумладан, Баркамол авлод йилида кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда олий ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган оила фарзандларидан бир нечтасининг тўлов шартномалари тўлаб берилди. Шунингдек, 2-гуруҳ ногирони Б.Азимовнинг саломатлигини тиклаш мақсадида зарур дори-дормон воситалари олиб берилди. Жамғарма ташаббуси билан жисмоний имконияти чекланган ва уй шароитида таълим олаётган мактаб ўқувчиларидан 13 нафарига компьютер жамланмалари ҳадя қилинди. Бугун бу болаларнинг қувончи чексиз. Эндиликда улар ўз билимларини янада ошириб, мустақил юрт тараққиётига хизмат қилишга чоғланишган.

Бундан ташқари истиқлолнинг 19 йиллиги арафасида 18 та кам таъминланган ёш оиланинг никоҳ, 24 нафар болажоннинг хатна тўйлари ўтказиб берилди. Бу ишларга ҳомийлар, тадбиркорлар ҳам жалб этилди. Ўз навбатида, 46 та мурувватталаб оилага бир бошдан қорамол ҳадя қилинди.

Ҳа, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда жамғарманинг вилоят бўлими муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Жамғарма томонидан бундай хайрли амалларни изчил давом эттириш режалаштирилган.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

* * *

Хусусан, бундай савобли амаллар жамғарманинг Тошкент вилояти бўлими бошқаруви ташаббуси билан ҳам аниқ ва манзилли адо этиб келинаётир.

Яқинда жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви томонидан кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Бўка туманидаги "Гулистон" ҳамда "Самарқанд" маҳалласида истиқомат қилаётган Мўътабар Каримова ва Умарали Тўйчиевга, шунингдек, Қуйи Чирчиқ туманидаги "Меҳнатобод", "Наврўз" ҳамда "Гул" маҳаллаларида яшовчи Ислом Қосимбеков, Тангир Пирманов ва Комил Кенжаев оиласига ҳар бирининг қиймати 1 миллион сўмликка тенг бўлган бир бошдан қорамол ҳадя этилди.

— Жамғарма кўмагидан мамнунмиз, — дейди Мўътабар Каримова мамнуният билан. — Эндиликда ҳадя этилган бу қорамолни яхшилаб парваришлаб, чорва сонини кўпайтиришга ҳаракат қиламиз. Бу оиламизнинг тиклаб олишимизда муҳим омил бўлишига аминман.

Дарҳақиқат, жамғарманинг беминнат ғамхўрлигидан кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар миннатдор. Бу эса юртимизда аҳоли эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий ҳимояга олинганидан далолатдир.

Саодат БЕРДИЕВА.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

ЯГОНА ОИЛАДЕК ЯШАР ҲАР МИЛЛАТ

Бу азиз Ватаннинг сарҳадлари кенг, осмони мусаффо, суви шаффоф, табиати беқиёс. Ҳар дами хушфайз, ҳуррият эпкинидан осойишта мустақил мамлакатда яшамоқ ҳар бир инсон учун бахт ва шарафдир. Йилдан йилга кўркамлашиб, чирой очиб бораётган юртимиз ривожига муносиб улуш қўшиш иштиёқида юрган оддий ўқитувчи сифатида ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқдаман.

Ўқитувчилик фаолиятимни бошлаганимга 40 йилдан ошди. Шу ўтган даврда юзлаб йигит-қизларга билим бериб, кўплаб шогирдлар етиштирдим. Бугунги кунда улар орасидан турли соҳа эгалари камолга етиб, эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилишмоқда.

Мен бошқа миллат вакили бўлсам-да, шу азим диёрда туғилдим, вояга етдим. Отам украин, онам арман миллатига мансуб. Улар 1937 йили Озарбайжоннинг Боку шаҳридан Тошкентга кўчиб келишган. Ота-онам зиёли, тафаккури кенг инсонлар бўлиб, уларнинг Ўзбекистонга, бу юртнинг бағрикенг, самимий инсонларига ҳурмати чексиз эди. Отамнинг ўзбек миллатига мансуб дўстлари кўплиги боис ўзбек тилида равон сўзлашарди. Онам дугоналаридан ўрганган ўзбекча таом — паловни жуда мазали пиширарди. Уларнинг бу хислати менга ҳам ўтган. Ҳамкасбларим бу одатларимни эътироф этишганида хурсанд бўламан.

Мен фаолият юритаётган 242-умумтаълим мактаби Собир Раҳимов туманидаги «Ғалаба» маҳалласи ҳудудида жойлашган. «Оила—маҳалла— мактаб» ҳамкорлиги асосида маҳалла фаоллари билан ўзаро маслаҳатлашиб, турли маданий-маърифий тадбирларни биргаликда ўтказиб келамиз. Ҳар ойда икки марта ўтказиладиган учрашув ва мулоқотларга маҳалладаги катта ҳаётий тажрибага эга нуронийлар ва фаоллар таклиф этилади. Уларнинг қизиқарли мулоҳазалари, ҳаётий ҳикояларини ўқувчиларимиз берилиб тинглашади. Ўсмирларнинг ота-онага, ёши кексаларга ҳурмати, ён-атрофидагиларга меҳр-оқибати аввало, мактаб бағрида шаклланади. Мана шу фазилатларни ёшлар онгига сингдиришда биз мураббийлар билан бирга маҳалла фаолларининг ҳам хизмати катта бўлмоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида маҳалла билан ҳамкорликда 10 дан зиёд тўгараклар ташкил қилганмиз.

Мен кўп йиллардан буён истиқомат қиладиган ҳудуд пойтахтимизнинг Сирғали туманида жойлашган бўлиб, «Учувчилар» маҳалласи, деб номланган. Айни пайтда маҳалламизда ўндан зиёд миллат вакиллари аҳиллиқда умр кечиришмоқда. Юртимизда кенг миқёсда амалга оширилаётган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларидан маҳалламиз ҳам четда эмас. Маҳалла фаоллари ташаббуси билан ҳудудни янада кўркамлаштиришга эътибор қаратилмоқда. Ўтган бир неча йил мобайнида маҳалламиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Юзлаб манзарали ва мевали дарахтлар экилди, йўллар таъмирланди. Бу ўзгаришларга қараб, ҳар қандай инсоннинг яшашга, меҳнат қилишга иштиёқи кучаяди. Бу ҳам, албатта, юртимизда ҳукм сураётган тинчликнинг, ҳамжиҳатликнинг меваси.

Ўз ўрнида, шуни айтишим жоизки, инсоннинг қилган меҳнати, изланиши изсиз кетмас экан. Яқинда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Президентимиз фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Бу юксак эътибор мени ҳар дақиқа ёш авлод келажаги учун масъул эканлигимни ёдга солиб, бу мақсад йўлида куч-ғайратимни аямасликка ундайди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон — турли миллат вакиллари аҳил оиладек яшаётган, инсонлар эзозланиб, меҳнат қилганлар улуғланадиган юрт. Буни шу юрт фарзандиман, деб нафас олаётган ҳар бир инсон ҳис қилади.

Лариса ВИШНЕВСКАЯ,
«Дўстлик» ордени соҳибаси.

Маҳалла гузари

ТАРОВАТИ ЎЗГАЧА

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги "Роҳат" маҳалласи маркази йиғин раисаси ташаббуси билан туман ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ва бир нечта ҳомий ташкилотлар кўмагида бунёд этилганди. Бугун бу марказда яратилган қулайликлардан аҳоли мамнун.

— Мажмуада ходимлар учун барча шарт-шароитлар мавжуд, — дейди йиғин раисаси Ҳадича Умархўжаева. — Бундай қулайликларнинг яратилишида ҳомийлар ҳиммати билан бирга маҳалла фаолларининг ҳиссасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларнинг беминнат кўмаги туфайли гузаримиз ўзгача тароват касб этаётир. Кимдир манзарали гул кўчатлари, кимдир дарахт ниҳоллари экишдек хайрли ишларни амалга оширишга хайрихоҳ. Шу боис марказни аҳолини эзгу мақсад йўлида бирлаштирувчи гўша, деб атаймиз.

Р. ШЕРҚУЛОВ.

Фахр

ҲАР ИНСОНГА РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР БОР

< [1]

Юқори ҳосилдорликка эришишда ер шароитига мос навни танлаб экиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Буни Юртбошимиз жуда кўп бора таъкидлайдилар. Ана шу тажрибага амал қилган ҳолда ер шароитимизга мос бўлган «Бухоро-102» навидан фойдаландик. Бу нав иссиққа, сувсизликка чидамли бўлиши билан бир қаторда тик ўсиб, кўп кўрак тугиши билан бизга жуда маъқул келди.

Об-ҳавонинг яхши, қулай келгани ҳамда деҳқонларимизнинг астойдил қилган меҳнати туфайли далаларда эртаги ва мўл ҳосил яратилди. Шу билан бирга агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилгани, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан керакли ресурслар билан ўз вақтида таъминлаб турилгани ҳам юқори ҳосилдорликка эришишда муҳим омил бўлди. Ҳар гектар ердан 48 центнердан ҳосил олиб, кўпчилик фермерлар қатори биринчи теримдаёқ давлат режасини ортиғи билан бажардик.

Куни кеча Президентимизнинг республика пахтакорларига йўллаган табригида бизнинг фермер хўжалигимизнинг номи ҳам алоҳида тилга олинган. Бундан бошимиз кўкка етди.

Республикамизнинг улкан пахта хирмони яратилишида, юртимиз тараққиётида ҳиссамиз борлигидан чин дилдан қувондик. Бу эътибор ва эътирофдан янада яшариб кетдим, десам муболаға қилмаган бўламан. Янада юксак ниятларни дилга тугдик.

Бу йил 150 миллион сўм соф фойдани кўзлаб турибмиз. Ҳар йили даромад ҳисобидан техника олар эдик. Бугунги кунда фермер хўжалигимизда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган қатор техникалар бор. Ҳатто ўтган йили пахта териш машинаси ҳам олдик. Бу йилги даромаддан эса комбайн олишни режалаштириб турибмиз.

Шунингдек, маҳалламиз ободончилиги учун ҳар йили алоҳида маблағ ажратамиз. Шу ҳисобдан кўчаларни асфальтлаб беряпмиз, 6 километрли ичимлик суви қувурини тортиб бердик. Боғча, мактабларга ёрдам беряпмиз. Кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий ишимиз ҳисобланади. Бу йил яна бир яхши ниятни режалаб турибмиз. Фермер хўжалиги аъзоларидан 2 нафарига янги лойиҳа асосида қурилаётган замонавий турар-жойлардан олиб бермоқчимиз. Ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Гапнинг сирасини айттанда, инсон қадр-қиммати юксалган юртда яшаётганимиздан руҳланиб меҳнат қиляпмиз.

Қаҳрамон КЕНЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор, Касби туманидаги «Кенжа бобо Эгамбердиев» фермер хўжалиги раҳбари.

Ҳафта мавзуси

ЖАМҒАРМА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИДА

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг навбатдаги йиғилишида жойларда пахта чигитининг талон-тарож қилиниши, яширин "мойжувозлар"да сифатсиз ёғ ишлаб чиқариш ва пахта ёғи ички бозорда ноқонуний муомалага киритилишининг олдини олишга кўмаклашиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда фуқаролар йиғинлари фаолларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

Яширин "мойжувоз"ларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга амалий ёрдам кўрсатиш ва ушбу ноқонуний фаолият билан шуғулланувчиларни фойдали меҳнатга йўналтириш бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 24 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг "Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш тўғрисида"ги қарорларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори ижросини таъминлашга бағишланган Республика комиссиясининг 2010 йил 5 октябрдаги мажлис баёни ижро учун қабул қилиниб, унда белгиланган тегишли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Шунингдек, йиғилишда жамғарма иш режасининг 12-, 43-бандлари ижросини таъминлаш мақсадида "Фуқародан одам савдоси қурбони бўлгани тўғрисида маълумот тушганда фуқаролар йиғинларининг вазифалари" мавзусидаги ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сардорлари учун ўқув-семинарлар ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама этилиб, билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, намунавий дастур, машғулотлар ўтказиш жадвали ва матнлар лойиҳалари қайта кўриб чиқилди. Бунда ҳамкор ташкилотларни жалб этиш, слайдлар, тарқатма материаллардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилиши кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Мухбиримиз.

2010 йил — Баркамол авлод йили

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ ИЛМГОҲЛАРДА ЯРАТИЛАДИ

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари тамойилининг моҳияти шундаки, жамиятни фуқаролар барпо этади, бошқаради ва унинг ривожини ўзлари назорат қилади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай масъулият фуқароларнинг етарли даражада билимли, ҳуқуқий саводхон бўлишларини талаб этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ таълим-тарбия соҳасига жиддий эътибор бериб келинмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилингани таълим тизимини мунаввар йўлга чиқиб олганидан далолат. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси туфайли узоқ қишлоқларда ҳам замонавий мактаблар қурилиб, ёшларга чуқур билим бериш имкониятлари яратилди.

Самарқанд вилоятида айни пайтда 623 та мактабгача таълим муассасаси, 1209 та умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда. Бундан ташқари 34 та мусиқа мактаби, 16 та махсус мактаб ва мактаб-интернат, 4 та меҳрибонлик уйи ишлаб турибди. Уларда жами 576324 нафар ўқувчи билим олмоқда.

Айтиш жоизки, юртимизда таълим-тарбия жараёнида бутун жамият аъзолари фаол иштирок этади. Мисол учун, биргина фуқаролик жамияти институтларидан бири — «Маҳалла» тизимини оладиган бўлсак, бу тизим ўз фаолиятида баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси билан «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бу борада, айниқса, умумтаълим фанлари олимпиадаларини ўтказиш, маҳаллаларимиз тарихини ўрганиш, спорт мусобақалари билан боғлиқ кўрик-танловлар, беллашувлар ташкил этиш яхши самаралар бераётганини таъкидлаш ўринли.

Худди шундай ҳамкорлик вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳам ўрнатилган. Вилоятдаги мавжуд 172 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ўша ҳудуддаги маҳалланинг ёрдамини ҳамиша ҳис этиб турибди. Бу борада гап кетар экан, умумтаълим мактабларини битираётган ёшларни академик лицейларга, касб-ҳунар коллежларига йўллаш борасида маҳалла фаолари ҳам жонбозлик кўрсатаётганини алоҳида таъкидлашимиз керак. Икки бошқарма ҳамкорлигида ўтказилиб келинаётган «Таълимнинг кейинги босқичини қайси академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида давом эттирасан?» мавзусидаги сўровномалар, якка тартибдаги суҳбатлар, ота-оналар йиғилишларидаги тушунтириш ишлари туфайли узлуксиз таълим талаблари йилдан йилга тўлиқроқ бажарилмоқда.

Ушбу ўқув йилида 9-синфларда ўқиётган 72426 нафар ўқувчининг ҳар бири алоҳида рўйхатга олиниб, улар тўғрисидаги маълумотлар код рақами билан электрон дастурга киритилди, ҳар бир битирувчининг ўқишни давом эттириши, ишга жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар тўплами яратилди.

Юқорида 1209 та умумтаълим мактаби, 172 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси борлиги ҳақидаги маълумотларни келтирдик. Вилоятда 1094 та маҳалла мавжудлигини, ҳар бир йиғинда 4 нафардан ходим фаолият кўрсатаётганини, фаоллар сони тобора кўпайиб бораётганини ҳисобга олсак, ҳар бир ўқув даргоҳи билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, ҳамкорликда ишлаш, бирор ўқувчини, талабани назоратдан четда қолдирмаслик имкониятлари борлиги маълум бўлади. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан самарали фойдаланишда.

Давлатимиз кам таъминланган оилалар фарзандларига, ногирон болаларга чексиз ғамхўрликлар кўрсатиб келмоқда. Бундай хайрли ишларга «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими, унинг туманлардаги бўлинмалари ҳам муносиб ҳисса қўшишяпти. Бўлимимиз йилнинг ўтган даврида болалар уйлари, мактаб-интернатлар, ақлий ривожланишида ёрдамга муҳтожлар мактабларига 27 миллион 765 минг сўмлик турли жиҳозлар, кийим-кечак олиб берди. Яқин орада яна 18-20 миллион сўмлик ёрдам кўрсатишни режалаштиряпмиз.

Вилоят халқ таълими тизимидаги мактабларда 7453 нафар ногирон ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Уларнинг 1345 нафари уй шароитида, якка тартибда ўқитиляпти. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига кўра, уларнинг 140 нафари компьютер билан таъминланиши лозим эди. Янги ўқув йилига қадар эллик нафар ногирон ва ақлий ривожланишга муҳтож ўқувчига компьютер олиб берилди. Бу ишга биз ҳам кўмаклашяпмиз. Яқинда Пастдарғом туманидаги 41-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси, Дўрмонтепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Жағалбойли қишлоғида яшовчи Элмира Хуррамовага 1 миллион 500 минг сўмлик компьютер жамланмаси олиб бердик. Бундай хайрли ишлар давом этади.

Ёш авлод тарбиясига комплекс ёндашувда оиланинг ўрни беқиёсдир. Ота-онанинг шахсий ибрати, фарзандлари камолига эътибор билан қараши, уларга кенг шарт-шароит яратиб бериши бугуннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Бироқ бу борадаги аҳволни ҳар жиҳатдан тўкис, деб бўлмайди. Ўқувчи ёшларнинг уй шароитлари билан танишганда Булунғур, Пайариқ, Қўшработ, Нуробод, Пахтачи, Нарпай туманларидаги айрим оилаларда болаларнинг дарс тайёрлашлари учун шароитлар етарли эмаслиги аниқланди. Баъзи ота-оналар фарзандларининг қандай баҳоларга ўқиши, ҳулқ-атвори билан қизиқмайди, уларнинг кундалик дафтарларини кўздан кечирмайди. Ачинарлиси, ўша хонадонларнинг аксариятида данғиллама тўйлар қилиниб, меҳмондорчилигу базмлар уюштирилмоқда. Тилло тақинчоқлар тақиб олган уй бекалари ўғил-қизлари учун китоб жавони, беш-ўнта нодир китоблар олиб беришни ўзларига эп кўрмайди.

Оила халқнинг, жамиятнинг турмуш тарзига хос урф-одатларини қадрлайдиган, бойитадиган, айни маҳалда миллат қадриятлари негизида юксалиб борадиган уюшмадир. Демак, оилани қадрлаш, унга муносиб бўлиш биринчи галдаги вазифа бўлиб қолаверади.

Хуллас, буюк келажак учун интилаётган халқнинг энг асосий вазифаси баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишдан иборат экан, бу масалага катта масъулият билан қараш талаб этилади. Тарбия шунинг учун ҳам умумхалқ иши, ҳамиша давлат аҳамиятидаги вазифадир. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида, жумладан, шундай деди:

"Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари, деб билади".

Юртбошимизнинг бу гаплари таълим-тарбияга алоқадор ҳар бир кишининг юрагидан чуқур жой олиши ғоятда муҳимдир.

Шавкат ЖОНИҚУЛОВ,
Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви раиси.

Бугун — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

< [1]

Шундан сўнг тилимиз тараққиётида мисли кўрилмаган янгиликлар рўй берди. 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», 12 жилдли «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», «Ўзбек тилининг этимологик луғати» каби тил ёдгорликлари вужудга келди. Олий ҳокимият идораларидан тортиб маҳаллий бошқарув идораларигача она тилимизда иш юритилаётган бир пайтда тилимизнинг халқаро миқёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани, чунончи, халқаро майдонларда миллий курашимизга хос «ёнбош», «чала», «ҳалол», «ғиром» каби атамаларнинг жаранглаши ҳар бир ватандошимизнинг қалбини ғурурга тўлдириши шубҳасиз.

Мустақиллик йилларида қайта тикланган тарихий: девонхона, вазирлик, ҳоким, туман каби сўзлар аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш бўйича қилинган хайрли ишлар самарасидир. Бу борада кўплаб жой номлари: Тошкентнинг тўрт даҳаси ичида энг каттаси ва машҳури ҳисобланган Шайхонтоҳур даҳаси, «Мингўрик», «Сандиқчилар», «Бежганак», «Пичоқчи» каби маҳаллалар номининг тикланиши ҳам қайта чирой очаётган муқаддас қадриятларимизнинг гўзал намунасидир.

— Маҳалламизнинг қадимий номи истиқлолдан сўнг қайта тикланди, илгари Гидростанция, деб номланган маҳалламиз аслида ўрикзорлардан иборат кўркам боғ бўлган экан, — дейди Юнусобод тумани «Мингўрик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Тойир Султонов. — Маҳалламизнинг ўзига хос равишда номланиши ҳар бир маҳалладошимизнинг қалбини қувончга тўлдирган бўлса, миллий қадриятларимизнинг қайта тиклангани, она тилимизга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши халқимизнинг юрагидаги армонларни аритди. Чунки бир пайтлар она тилимиз фақат оила тили бўлиб қолганди, оддий аризани ҳам рус тилида ёзиш шарт эди.

Бугун барча ҳужжатлар она тилимизда юритилмоқда, масалан, паспортларда Юлдаш, Нурмет, Рабия, Зульфия, Парида, Ганиев каби исм-фамилияларнинг нотўғри ёзилишига секин-аста барҳам берилмоқда.

Маҳалла — маънавият бешиги. Ёш авлод маҳалла бағрида камол топар экан, табиийки, она алласи билан қон-қонига сингган она тилимизга ҳурмат туйғуси ҳам айнан маҳаллада куртак отади. Бугун ҳукуматимиз томонидан тилимизнинг ривожи ва нуфузи ортишига алоҳида эътибор берилаётган бир пайтда баъзан расмий мулоқотларда, ойнаи жаҳонда адабий тил қоидаларига риоя қилмаслик, шева элементларини қўллаш, афсуски, учраб турибди. Бу эса ёш авлод маънавий камолотига таъсир этмай қолмайди. Зеро, Алишер Навоийнинг «Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз», деган ўгитларини эсга оладиган бўлсак, бугун бу масалага жиддий қарамоғимиз керак.

Эркин фуқаролик жамиятига асосланган мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши кўп миллатли Ватанимиздаги миллат ва элатларнинг қадриятларига асло путур етказмади. Аксинча, бошқа миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, уларнинг урф-одат ва қадриятларига ҳурмат билан қараб, уларни қонун йўли билан ҳимоя қилиш, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим олиш ҳуқуқини кафолатлаш масалалари ечимига мустақилликнинг илк йиллариданоқ жиддий киришилди. Мамлакатимиздаги кўплаб мактабларда таълим-тарбия қардош тилларда йўлга қўйилганию бошқа халқ вакилларининг болалари эмин-эркин ўз она тилида илм олаётгани ҳам халқимизга хос бағрикенгликнинг намунасидир.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида: «Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади», деб ёзади. Дарҳақиқат, аждодларимиздан мерос она тилимизни асраб-авайлаш, ёш авлод қалбида унга ҳурмат-эҳтиром туйғусини янада кучайтириш, энг муҳими, тилимизнинг мулоқот доирасини тобора кенгайтириш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Янги авлод

Тоҳир Норқулов (ЎзА) олган сурат.

Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Жума шаҳридаги «Кичкинтой» санаторий-боғчасида 160 ўғил-қиз тарбияланади.

Ушбу махсус мактабгача таълим-тарбия муассасасида болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда саломатлигини тиклаш учун малакали шифокорлар жалб қилинган. Ўз навбатида тарбияланувчиларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш мақсадида таълим-тарбиянинг ноанъанавий, юксак самарали усулларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўтган йили «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида "Кичкинтой" кичкинтойлари совринли ўринни қўлга киритгани бунинг далилидир.

СУРАТДА: *"Кичкинтой" санаторий-боғчасидан лавҳа.*

Аҳоли бандлиги

ИШГА ЖАЛБ ЭТИШ — БАРҚАРОРЛИК МЕЗОНИ

Фарғона вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва вақтинча фойдали меҳнатга жалб этилмаган кишиларга муқим иш ўринларини яратиш борасида алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Маҳаллий ҳокимлик, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Ҳунарманд", "Тадбиркор аёл" уюшмаларининг вилоят бўлимлари билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик туфайли кўзланган натижаларга эришилмоқда.

Қолаверса, жорий йил бошида тасдиқланган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури, унда аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш, жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш сингари долзарб вазифалар белгилаб берилгани ҳам фаолиятимизни янада жонлантиришда асосий омил бўлди.

Тасдиқланган дастурга асосан вилоятда йил давомида 91173 та иш ўрни ташкил этилиши лозим эди. Шу жумладан, ярим йил ичида 45197 иш ўрни яратилиши режалаштирилган бўлса, амалда бу 47669 тани ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, ташкил этилган иш ўринлари вилоятда янги йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш (742 та), мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш (3409 та), кичик корхона ҳамда микрофирмалар ташкил қилиш (8535 та), хусусий тадбиркорликни ривожлантириш (4047 та), фермер хўжаликларини кенгайтириш (11516 та), касаначиликни кенг йўлга қўйиш (15092 та) орқали амалга оширилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда хотин-қизлар алоҳида эътиборда. Бу борада, айниқса, жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан манфаатли ҳамкорлик ўрнатилган. Ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг биринчи чорагида хотин-қизлар учун 7400 дан зиёд иш ўрни яратилган бўлса, шу кунгача бу миқдор 15 мингтадан ортиб кетди. Яратилган иш жойларининг аксарияти туман ва шаҳарларда касаначилик ҳамда ҳунармандчиликни йўлга қўйиш ҳисобидан эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, яқинда Охунбобоев туманида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида тадбиркорлар, ҳунармандлар ўз маҳсулотларини намойиш этишди. Қиркдан зиёд ташкилот ва корхона эса хотин-қизлар учун бўш иш ўринларини таклиф қилди. Тадбир доирасида "Қўли гўлдир ўзбек аёлин" кўргазма-савдо ярмаркаси уюштирилди. Унда, айниқса, ҳунарманд аёллардан Шавкатхон Исмоилова, Рўзигул Мирзаева, Иқболой Боқиеванинг маҳсулотлари барчага манзур бўлди. Тошлоқ, Қува, Ёзёвон, Фарғона, Учкўприк туманларида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркаларида ҳам аҳолининг фаол иштироки таъминланди.

Жазони ўташ жойларидан қайтган фуқароларни фойдали меҳнатга жалб этиш, бундай шахсларнинг жамиятда ўз ўрнини тезроқ топиб олишларига кўмаклашиш ижтимоий аҳамиятга молик вазифалардан бири экани ҳаммамизга маълум. Бош бошқармамиз ҳамда унинг жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ва маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан 344 нафар жазони ўтаб қайтган шахслар фойдали меҳнатга жалб этилди.

Маълумки, иш билан банд бўлмаган аҳолининг барчаси ҳам меҳнатга лаёқатли, иш топишда бир хил имкониятга эга, деб бўлмайди. Бундай тоифадаги иш изловчиларга муайян имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фикримизга 2389 та корхона ва ташкилотда яратилган 11106 та иш ўринидан 5884 таси ногиронлар учун ажратилгани яққол далилдир.

Юртимизда ҳукм сураётган барқарорлик, тинчлик, хотиржамликнинг асосларидан бири, шубҳасиз, бандлик муаммосининг давлат миқёсида изчил ҳал этилаётганидир. Бунинг натижасида ишсизлар сони тобора камайиб бормоқда.

Файзулло ҚОСИМОВ,
Фарғона вилояти ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи.

Одам савдоси — дунё муаммоси

ИЛЛАТ ИЛДИЗ ОТМАСИН

ёхуд моддий бойлик илинжида инсон ҳаёти билан ўйнашганлар хусусида

Одам савдоси муаммоси трансмиллий жиноятлар сирасига кириши бугун ҳар кимга аён ҳақиқат. Ҳа, бу муаммо дунёдаги барча мамлакатлар фуқароларини ташвишга солмоқда. Зотан одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар негизида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қўпол равишда поймол этилиши, кишиларнинг ўз эрки ва ихтиёридан маҳрум қилиниб, олди-сотди объектига айланиб қолиши каби аянчли ҳолатлар ётади. Энг ачинарлиси, ушбу жиноятдан жабрланганлар аксарият ҳолларда аёллар ва болалар бўлиб чиқмоқда.

Одам савдоси жиноятининг халқаро кўринишга эга эканлиги ва бу бир давлат ҳудудида содир бўладиган ҳолат эмаслигини назарда тутган ҳолда ушбу муаммонинг олдини олиш ва ечимини топишда дунё ҳамжамияти ҳамкорликни янада кучайтирмоқда.

Одам савдоси жиноятининг кенг тарқалишига дунёда халқаро ноқонуний миграциянинг авж олганлиги асосий сабаб бўлмоқда. Аслида халқаро миграция замонавий жамиятга хос бўлган ҳолатдир. Иммигрантлар меҳнатидан фойдаланиш бир қатор мамлакатларнинг иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди. Аммо бугунги кунда ноқонуний миграция, одамларнинг бир давлатдан бошқа давлатга норасмий кўчиб юришлари давомида халқаро қонун меъёрлари ва ушбу давлат ички қонунларининг бузилиш ҳолатлари кўплаб учрайди. Сўнгги вақтларда ноқонуний йўллар билан Россия Федерацияси ҳудудига ишлаш учун бориб, ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган, арзимаган иш ҳақига ишлаб, одам савдоси корчалонларининг тузоғига илинган фуқароларимиз тўғрисида оммавий ахборот воситаларида кўплаб мақола ва хабарлар бериб борилмоқда.

Ҳозирги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар қурбонига айланган кишилар асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож, бирор касб ёки мутахассисликка эга бўлмаган шахслар экани бу ёвуз иллат илдизига болта уриш ишини бирмунча қийинлаштирмоқда. Чунки бирор касб-корни эгалламаган, муқим ишга, яъни даромад манбаига эга бўлмаган кишилар одам савдоси билан шуғулланувчи жиноятчилар тузоғига осонгина тушиб қоладилар.

Шундан келиб чиқиб, 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги қарори билан 2008—2010 йилларга мўлжалланган Миллий режа тасдиқланганлиги ҳам давр талабидир, дейишга ҳақлимиз. Одам савдосига қарши курашиш борасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларга мувофиқ амалга оширилмоқда.

Республикамизда бу иллатнинг олдини олиш мақсадида ваколатли давлат органлари томонидан ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда ёшлар ҳаракатлари жалб этилган ҳолда ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Бу жиноятнинг олдини олишда, энг аввало, фуқаролар юртимизда бу соҳада мавжуд бўлган қонун-қоидалар талабларини билишлари ва уларга амал қилишлари лозим. Фуқароларимиз республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳукуматлараро, идораларараро шартномалар ва битимлар асосида фақат Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Тошкент, Бухоро, Қарши, Фарғона ва Нукус шаҳарларида жойлашган фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюроларнинг кўмагида ҳамда мазкур вазирлик томонидан белгиланган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, ушбу Қарорда фуқаролар хусусий меҳнат контрактлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларда фақат Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича чиқиш ҳуқуқига эга эканликлари белгиланган. Амалдаги қонунчиликка асосан юқорида айтиб ўтилган ташкилотлардан бошқа ҳеч қандай жисмоний ва юридик шахслар республикамиз фуқароларини чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юбориш ҳуқуқига эга эмас.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва минтақавий бюролар томонидан фуқаролар чет давлатларга ташкиллаштирилган тартибда, уларнинг хоҳиш-истаклари, касби, соғлиги эътиборга олинган ҳолда, иш берувчилар билан олдиндан тузилган шартномалар асосида юборилиб, улар иш жойларида Ўзбекистоннинг консуллик органлари томонидан ҳисобга олиниши, қолаверса, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя этилиши таъминланади. Иш берувчилар билан тузилган шартномаларда уларнинг меҳнат мигрантларига берадиган иш ҳақи миқдори, ишлаш ва яшаш шароитлари аниқ белгиланган бўлиб, касал бўлиб қолган тақдирда даволанишлари учун ёрдам бериш, ҳаётини суғурталаш, иссиқ овқат ва зарур иш кийимлари билан таъминлаш, шунингдек, фуқарони қайд қилиш ва легаллаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш ёки тўламаслик масалалари олдиндан келишиб олинади. Бу эса иш берувчиларнинг ҳам, ишга борувчиларнинг ҳам масъулиятини оширади.

Ҳар бир фуқаро ўзининг қаерда яшаши ва ишлашини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Аммо чет элларда ишлашни мақсад қилган юртдошларимизга дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин улар ҳаётининг кафолатланиши, аввало, уларнинг ўзларига, қўяётган қадами тўғри босилганига, бу соҳада белгиланган қонун талабларига итоат этишлари билан боғлиқ эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Ана шундагина уларнинг ҳаётлари хавф-хатарсиз, оилалари эса тинч ва осойишта бўлади.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ахборот хизмати.

Дастур ижроси

ҲАР ОЙДА МАҲАЛЛАГА ҲИСОБОТ

берилаётгани ҚВПлар фаолиятини янада жонлантирмоқда

Юртимизда аҳоли соғлиғи муҳофазаси ва фарзандларимизнинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етиши йўлида ҳаётга тадбиқ этилаётган мақсадли дастурлар, қабул қилинган қонун ва қарорлар самараси ўлароқ, жойлардаги шифо масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, тиббий хизмат даражаси юксалмоқда.

Нафақат шаҳарларимизда, балки республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам тиббиёт муассасаларининг фаолиятини янада яхшилашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, бўлажак оналар саломатлигини назорат қилиб бориш юзасидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб номланиши эса шу соҳа мутахассисларидан саломатликни мустаҳкамлаш йўлида янада масъулиятлироқ бўлишни талаб этади. Жойлардаги оилавий поликлиникалар, тез тиббий ёрдам, патронаж хизматлари ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган.

Бундай тиббий муассасаларнинг маҳалла билан ҳамкорлиги эса катта аҳамиятга эга. Ана шу ҳамкорлик натижасида бугунги кунда аҳолининг соғлиғи янада мустаҳкамланмоқда. Чунки маҳалла фаоллари ҳар бир хонадоннинг турмуш тарзидан, шарт-шароитидан бохабар бўлади. Қайси хонадонда неча киши яшайди, уларнинг моддий ва маънавий аҳволи қандай, фарзандлар тарбиясию соғлиғи ҳақида ҳам маҳалладан тўлиқ маълумот олишингиз мумкин.

Президентимизнинг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлари билан белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси Республика бошқарувининг 32-сонли ҳамда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 5-сонли қўшма қарорлари қабул қилинди.

"Маҳалла" хайрия жамғармаси Навоий вилояти бўлими ва соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан жорий йилнинг апрель ойида маҳалла фуқаролар йиғинлари ва "Маҳалла" жамғармаси бўлинмалари мажлисларида ҚВП ва тез тиббий ёрдам хизмати раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиб бориш юзасидан аниқ режа ишлаб чиқилди. Ушбу режа асосида қишлоқ врачлик пунктлари ва тез тиббий ёрдам раҳбарларининг ҳисоботлари ҳар ойда бир марта "Маҳалла" жамғармасининг туман, шаҳар бўлинмалари мажлисларида эшитилади. Мажлислар тиббиёт бирлашмалари ва "Маҳалла" жамғармасининг бўлимлари бошқаруви томонидан келишилган ҳамда туман, шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади. Маҳалла фуқаролар йиғинлари мажлисларида маҳалла фаоллари, маслаҳатчилари, қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари, аҳоли, шу жумладан, ёшлар; "Маҳалла" жамғармасининг туман (шаҳар) бўлинмаси бошқаруви мажлисларида эса тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, маҳалла маслаҳатчилари, туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари ва ўринбосарлари, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши раиси ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари қатнашади. Шунингдек, мажлисларда ҚВП фаолияти, яъни аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми, бириктирилган аҳоли саломатлигининг асосий кўрсаткичлари ва уни муҳофаза қилишдаги муаммолар, соғлом муҳитни яратиш бўйича тиббиёт ходимлари ва кенг жамоатчилик ҳамкорлиги, бу борада жамоат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар ва вазифалар, тез тиббий ёрдам учун аҳоли томонидан қилинган чақириқлар сони ва таркиби, кўрсатилган ёрдам тури ва ҳажми, тез тиббий ёрдам хизматининг дори-дармон ва ускуналар билан таъминланганлиги, ёрдам кўрсатиш меъёрлари, унга риоя қилишдаги тўсиқлар, тез тиббий ёрдам хизматига тушаётган ариза, шикоятлар таҳлил қилинади.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида туман, шаҳар "Маҳалла" жамғармаси бўлинмаларида тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг 3 маротаба, маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳар ойда ҚВП мудирларининг ишлаб чиқилган режага асосан ҳисоботлари тингланиб, аниқланган камчилик ва таклифлар ўрганиб чиқилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҚВПларга 32 млн. сўмлик дори-дармон марказлашган маблағлар ҳисобидан сотиб олиниб тарқатилди. Шунингдек, ушбу шифо масканлари реактивлар билан тўлиқ таъминланиб, тез тиббий ёрдам машиналарининг ёқилғига бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Мажлисларда эшитилган ҳисоботлардаги таклиф ва муаммолар ўрганиб чиқилгач, вилоятдаги малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, кўчма тиббий кўриклар ташкил этилди. Шунингдек, вилоятда 20 та ҚВПда ишлар намунали олиб борилаётгани аниқланиб, ушбу муассасаларда услубий марказлар иш бошлади.

Раъно ШЕРБЎТАЕВА,
"Маҳалла" жамғармаси Навоий вилоят бўлими бошқарувининг бош мутахассиси.

Намунали маҳалла

ТАШАББУС ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛАЙДИ

< [1]

Маҳалла фаолиятини қонун ва меъёрий-ҳужжатларга таяниб, қолаверса, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизга асосланган ҳолда юритаётган оқсоқол ўзгалар корига ярашга, масканини янада обод қилишга интилмоқда.

Айни кунларда Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ўтказилаётир. Бошқа фуқаролар йиғинлари қатори "Кўкча Оқтепа" маҳалласида ҳам ободонлаштириш ва тозалик ойлиги муносабати билан ҳар ҳафтанинг дам олиш кунлари ёши улуғ нуронийлар кўмагида ҳашар уюштирилиб, кўча, ариқлар тозаланади, масжид, маҳалла маркази ва тураржой бинолари тартибга келтирилади, дарахтларга шакл берилади. Маҳалла кенгаши саъй-ҳаракатлари билан ҳар йили кўчаларга қарийб бир квадрат километр узунликда асфальт ётқизилаётир. Бу йил ҳам ободонлаштириш ва тозалик ойлиги доирасида Али Қушчи ҳамда Наби Ғаниев номидаги 2-тор кўчалар асфальт қилинди.

— Маҳалламиз фуқаролар йиғини ҳузурида турли йўналишдаги комиссиялар фаолияти изчил йўлга қўйилган. Чунки комиссиялар ишини ташкил қилмасдан бирор натижага эришиш қийин. Комиссиялар маҳалла кенгашининг асосий бўлимлари, қаноти ҳисобланади, — дейди йиғин раиси Собит Имомов. — Айтайлик, Яраштириш комиссияси оилалар тинчлигини сақлаб, қайнана-келин, ота-бола, уй-жой, мерос муаммоси, ёш оилалар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низо ва жанжалларнинг олдини олади. Бордию шундай ҳолатлар содир бўлса, улар муроса йўли билан ижобий ҳал этилади. Яраштириш комиссияси фаолиятини яхши йўлга қўйиш учун, аввало, унинг таркибига эътибор қаратиш лозим. Биз мазкур комиссия таркибига жами 11 нафар кишини, жумладан, имом хатиб, профилактика нозири, шунингдек, жамоатчи адвокатни ҳам жалб қилганмиз.

Яраштириш комиссияси ҳақида гапираркан, оқсоқол фуқаролар йиғини ҳузурида яна бир янги — оила қураётган ёшларнинг мустақил ҳаётга тайёргарлигини аниқлаш бўйича махсус комиссия ташкил этиш нияти борлигини айтиб ўтди. Ушбу комиссия фаолияти йўлга қўйилса, ёшларнинг оила қуришга қанчалик тайёрлигини аниқлаш керак бўлса уларга маслаҳатлар бериш, ёш оилаларда юзага келиши мумкин бўладиган айрим низоларнинг олдини олиш осон бўлади.

— Кузатув ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оилавий можароларнинг аксарияти хонадондаги етишмовчиликлар сабабли юзага келади, — дейди Собит ака. — Шу боис кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига йиғинимиз кенгаши жиддий эътибор қаратаётир. Ўз навбатида, бу борадаги ишларни тартибга солувчи комиссия мунтазам иш юритиб келмоқда. Биз ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериш билан чекланмаймиз, албатта. Асосий эътиборни уларни иш билан таъминлаш орқали моддий аҳволини тиклаб, кам таъминланганлик даражасидан чиқаришга қаратиб келяпмиз. Рақамларга мурожаат қилсак, илгари кам таъминланган оилалар сони 135 та бўлган бўлса, ҳозир

© фото-Носир Ҳайдаров

улар сони 70 тага камайди. Бунда бандликка кўмаклашувчи ташкилотлар билан биргаликда маҳалламиздаги тадбиркорларни ҳам жалб этганимиз айни муддао бўлди. Биз, дастлаб, кам таъминланган оила аъзоларини тадбиркорларга, ёшларни эса "Устоз — шогирд" йўналиши асосида ҳунармандларга бириктирдик. Оилавий даромадни яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар сонини камайтиришга қаратилган бу тажриба ўзини оқлади. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёлғиз қариялар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар, етимлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий-маънавий ёрдамлар кўрсатиб борамиз.

Дарвоқе, йиғин томонидан кам таъминланган оилаларга, ногиронларга кўрсатилаётган беғараз ёрдамни намуна сифатида кўрсатишга арзийди. Шу кунга қадар кўплаб кам таъминланган оила фарзандлари, ёлғиз қариялар, ногиронлар турли сиҳатоҳларда ўз соғлиқларини тиклаб олишди.

Маҳаллада дабдабали тўю маросимлар ўтказишга уринишларнинг олдини олиш, тўйларни ихчам, камчиқим ўтказиш афзаллиги борасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилади. Маҳалла йиғини кенгаши ташаббуси билан, қолаверса, оқсоқолнинг аҳоли ўртасида гоҳ хушмуомалалик, гоҳида эса қаттиққўллик билан юритаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини бераётир.

"Кўкча Оқтепа" маҳалласи фаоллари Баркамол авлод йилида ёшлар камолоти, манфаати йўлида ҳам салмоқли юмушларни адо этишаётгани бизни қувонтирди.

— Бугунги кунда ёшларимизни ҳар томонлама етук, интеллектуал салоҳиятга эга, маънавиятли-маърифатли инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг жамоат ишларида фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида маҳаллада "Камолот" ЁИҲ туман бўлимининг бошланғич ташкилотини ташкил этдик, — дейди оқсоқол. — Бу борада зарур чора-тадбирлар, лойиҳалар ишлаб чиқилиб, қарорлар қабул қилинди. Бошланғич ташкилот етакчиси этиб, фаоллар билан келишган ҳолда, ёш, иқтидорли, жамоат ишларида фаол, кўпнинг назарига тушган Шоҳруҳ Расулов сайланди. Эндликда ёшларимиз маҳалланинг ўзида фойдали машғулотлар билан банд бўлишади, билим савиясини оширишади.

Дарҳақиқат, "Кўкча Оқтепа" маҳалласида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Бундай маҳаллалар фаолларининг эзгу мақсадли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибаларини оммалаштириш бугунги кунда маҳалла нуфузини кўтаришнинг энг мақбул омилларидан биридир.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

«Устоз — шогирд» анъанаси

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ОРТИДАГИ БАХТ

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Нишоб Ариқ" маҳалласи аҳолиси Шафоат опа Нурмуҳаммедовани "Шафоат чевар", деб аташади. Чунки опа кўп йиллардан буён маҳалла аҳли учун кийим-кечаклар тикиб келади. Бундан ташқари бирор хонадонда тўй ўтказиладиган бўлса, албатта, кўрпа, ёстиқ, тўшак қавиб беришни Шафоат опадан илтимос қилишади.

Шафоат опа доим миллий либосда, ўзининг таъбири билан айтганда, эскирмас "мода"да юради. Қўшнилардан тез-тез хабар олиб, ҳол-аҳвол сўраб туришни канда қилмайди. Миллий урф-одатларимизни кузатиб, ёшларга насиҳат қилади. Маҳалла аёлларига чеварчилик сирларини ўргатгани боис кўпчилик уни устоз сифатида ҳам улуғлашади. Масалан, ҳозир Шафоат опадан кўрпа қавиш сирларини ўрганган нишобариқлик Муяссар, Назира, Машҳура ва Мавлуда опалар оиласи даромадини оширмоқда.

Шафоат опа яқинда етмиш беш ёшга тўлди. Ўғил, қиз, невара, эвара ва шогирдлари уни табриклашди. Шунга айтсалар керак-да, ҳалол меҳнат ва эзгу ният инсонни бахт-саодатга етаклайди, деб.

Тўғриси, бу ёшда ўз касбини давом эттириб, жамият ривожига ҳисса қўшиб келаётган Шафоат опанинг ғайрат-шижоатига ҳавас қилдик.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, санъатшунос.

Шундай яшар одатда одам...

ЁВВОШЛИК ОҚСОҚОЛ ТАЖРИБАЛАРИ

"Ёввош" маҳалласи Чинознинг шундоқ биқинида жойлашган. Туманнинг энг ёш, аҳолиси энг кам, аммо раиси энг кўп ишлаётган маҳалласи ҳам шу. "Ёввош"га оқсоқоллик қилишдек вазифа чекига тушган пайтда Қалмон Эргашев ҳали соч-соқолига оқ тушмаган ёшда эди. Ўтган йиллар мобайнида маҳалланинг қиёфаси тубдан ўзгариб, том маънода обод гўшага айланмоқдаки, бунда Қалмон оқсоқолнинг хизматлари беқиёс... Ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Қаҳрамонимиз эндиликда етмишни қоралаб қолган, аммо иштиёқ ўша-ўша: қушда тиним бор, оқсоқолда тиним йўқ!.. Маҳалла ташвиши билан ҳали у ёққа чопади, ҳали бу ёққа. Куйиб-пишиб ким билан-дир тортишади-баҳслашади, асосли таклиф-мулоҳазаларини ўртага ташлайди...

Сўзимиз шулар ҳақида.

* * *

Ҳозирда коммунал тўловлар масаласида унча-мунча муаммо мавжудлиги бор гап. "Ёввош" маҳалласи ҳам бундай ташвишдан холи эмасди. Эндиликда оқсоқолнинг саъй-ҳаракати туфайли маҳаллада бу муаммога ечим топилди.

Бунда оқсоқол ишни "Ёввош" маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида "Коммунал хизматлар ҳақининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини ташкил этиш, хизматлар сифатини ошириш юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тўғрисида" қарор чиқаришдан бошлади. Қарорга мувофиқ, тегишли ишчи гуруҳи тузилиб, унга маҳалла посбони ва фаолларидан ташқари туман газ ҳамда электр идоралари ходимлари ҳам киритилди. Ишчи гуруҳи, аввало, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва хонадонлар билан тузилган шартномаларни ўрганди. Сўнгра ҳисоблагичларнинг техник ҳолати, ундаги кўрсаткичларни назоратдан ўтказиб, далолатномалар ёзилди. Шу жараёнда аниқландики, жорий йилнинг июль ҳолатига кўра, 200 та хонадондан иборат "Ёввош" маҳалласи аҳлининг электр энергиядан 1 520 895 (бир миллион беш юз йигирма минг саккиз юз тўқсон беш) сўм, табиий газдан эса 8 598 445 (саккиз миллион беш юз тўқсон саккиз минг тўрт юз қирқ беш) сўм қарзи бор экан.

Қарздорлик масаласига аниқлик киритилишидан Қалмон оқсоқол бир хижолатга тушган бўлса, иккинчи томондан андек хурсанд бўлди ҳам. Хижолатнинг боиси шуки, бошқа юмушлар билан банд бўлиб, коммунал тўловларга етарли эътибор қаратмабди. Хурсандлигига сабаб қарздорлик, айниқса, табиий газ бўйича дебиторлик қарз миқдори анча кам чиқди. Чунки туман газ идораси маълумотидаги миқдор билан ишчи гуруҳи аниқлаган миқдор ўртасида фарқ катта эди-да.

Хўш, энди нима қилмоқ керак?

Оқсоқол фаолларни тўплаб, масалани ўртага ташлади: муаммони бартараф этиш бўйича режалар муҳокама этилиши баробарида аҳолининг талаб ва истаклари ҳам ўрганиб чиқилди. Кенгашли тўй тарқамас, дея бежиз айтилмаган экан. Мана натижаси: жорий йил 30 август ҳолатига кўра, маҳалланинг электр энергиядан қарзи тамоман ечилди, табиий газдан қарздорлик эса қарийб ярмидан кўпига (8 598 445 сўмдан 4 109 651 сўмгача!) қисқарди. Бундай натижага қандай эришилди?

Албатта, бунинг замирида астойдил қилинган ҳаракат, одамларнинг кўнглини топиш, бор имкониятдан унумли фойдаланиш ётибди. Бунда оқсоқолнинг амалга оширган алоҳида хизмати шундаки, у маҳаллада одамлар оладиган пенсия ва нафақа пуллари тарқатилишини тезлаштирди. Йўқ, раисни пенсия ва нафақаларга "чанг" солганликда айблашга шошманг. Биринчидан, "Ёввош"даги ҳамма хонадон пенсия ва нафақага қараб қолган эмас. Иккинчидан, ижтимоий тўловларни вақтида тарқатиш масаласида ўринли-ўринсиз узилишлар бўлиб турарди. Қалмон оқсоқол банк ва почта хизмати мутасаддилари билан бамаслаҳат мана шу узилишларга чек қўйди. Бундан маҳалла ҳам мамнун: ахир, кун-кунаро марказга қатнаб ортиқча чиқим қилингандан кўра пулни шу жойда олишгани маъқул эмасми? Масаланинг учинчи жиҳати ҳам борки, коммунал тўловлар, хусусан, муайян ҳудудда табиий газ истеъмоли учун тўлов вақтида амалга оширилиб, белгиланган режа бажарилса, тушган пулнинг ўн фоизи мукофот тариқасида ўша жойнинг ўзида қолади. Оқсоқол мана шу имкониятдан унумли фойдаланиб қолди. Яъни газ учун тўлаган 4 448 794 (тўрт миллион тўрт юз саксон саккиз минг етти юз тўқсон тўрт) сўм маблағнинг (бу миқдор белгиланган режадан икки баробар кўп) ўн фоизи (448 879 сўм) мукофот тариқасида маҳалланинг ўзида қолди. Айни шу маблағ ҳисобидан маҳалладаги йигирмага яқин камхарж оиланинг коммунал қарзлари тўлаб берилдики, Қалмон раиснинг топқирлиги шунда!.

Бу тадбирнинг тўртинчи жиҳати ҳам мавжуд. "Ёввош" аҳлининг коммунал тўловлар борасидаги фаоллиги умумий миқдорда 5 969 689 сўм нақд пул банкка кирим қилинганини ҳам англатади. Бу — Чиноз туманининг энг кичкина маҳалласида, бор-йўғи бир ойда амалга оширилган иш. Туманда юздан ортиқ маҳалла бор. Агар тумандаги барча маҳаллаларда "Ёввош"даги тадбир қўлланса, хомаки ҳисоб-китоб қилинганда, бир ойда банкка топшириладиган пулнинг умумий миқдори салкам олти юз миллион сўмдан ошар экан! Бу энг паст кўрсаткич билан хомчўт қилинганда ҳосил бўлган миқдор. Шунинг ўзи туманда банкдан ташқари нақд пул айланишини йигирма фоизгача қисқартириш имконини бераркан. Битта туманда юздан ортиқ маҳалла бўлса, вилоятда-чи?.. Унда қанча бўлади? У ёғини ҳисоблаб олаверинг!..

* * *

Юқоридаги тадбирдан аввал Қалмон оқсоқол бир ихтирога қўл уриб улгурганди. Ихтироки, бу ҳам бевосита коммунал тўловлар борасидаги муаммо ечимига бориб тақалади.

Маълумки, ўрнатилган тартибга кўра, табиий газдан қарздор хонадонга, бир марта огоҳлантиришдан сўнг, газ етказиб бериш тўхтатилади. Газ беришни тўхтатиш, қарз тўлангандан кейин қайта тиклаш — хонадонга ўтган махсус қувурларни кесиш ва яна қайта улаш орқали амалга оширилиши, бу юмуш ортиқча ташвиш эканига изоҳ шарт бўлмаса керак.

Қалмон оқсоқолнинг бу муаммо ечими борасида изланишлари махсус "пломба" ўйлаб топишига туртки бўлди. "Пломба" оддий сўрғичқулф шаклида, қаттиқ пластмассадан тайёрланган бўлиб, у хонадонлардан ўтган қувурлардаги газ кранларига ўрнатишга мўлжалланган. Қайсики хонадоннинг газдан қарзи бўлса, ҳозиргидай қувурлар кесилмайди, балки кранларга ўша "пломба" махсус боғич билан мустаҳкамланади. Боғични ўзбошимчалик билан ечиш имконияти йўқ, фақат уни ваколатли шахс қирқиб олиши мумкин. Бундан ташқари боғич махсус рақамланган бўлиб, рақамлар далолатномага қайд этилади. Худди электр тармоғи назоратчиси қарздор хонадон ҳисоблагичини "пломбалаб" кетганидек, газчилар ҳам айни шу ишни ўзгачароқ тарзда амалга оширади. Мосламани бир киши узоғи билан беш дақиқада ўрната олади, бунда ҳеч қандай мураккаблик йўқ, умумий харажат эса нари борса, 400-500 сўмга тушади, холос. Ҳозирги пайтда газ беришни тўхатиш учун қувурни кесиш, маълум вақтдан кейин яна аввалгидек қилиб қайта улаш ишлари ишчи кучи, кислород, гарбит, машина, ёнилғи ва ҳоказоларни қўшганда оддий арифметик ҳисобда қирқ минг сўмга боради. Агар бир ойда битта маҳаллада ўртача ўнта хонадонда шундай иш амалга оширилса, газ идораси қўшимча икки юз минг харажат қилиши ойдинлашади. Битта маҳалладаги харажат шунча бўлса, бир туман, вилоят бўйича қанча бўлади? Яна бир диққатга молик жиҳати шундаки, битта "пломба"дан камида эллик марта фойдаланиш мумкин экан. Битта хонадоннинг қувурини эллик марта кесиб-улаш эса ҳатто тасаввурга сиғмайди! Харажатларнингку, аниқ ҳисоб-китобини чиқариш мумкин, аммо қувурларни кесиб-улаш жараёнида атроф муҳитга етадиган зарарни-чи?..

Айтаётганларимиз шунчаки хаёлий нарса эмас, балки амалга ошириш имконияти бор бўлган реал воқеликдир. Буни воқеаларнинг кейинги ривожи ҳам кўрсатиб турибди.

Газ тизими учун ниҳоятда қулай бўлган ушбу "пломба" ўз вақтида "Бошкоммунгаз" таркибидаги техник кенгаш йиғилишида атрофлича муҳокама этилиб, якунда 15 минг дона ишлаб чиқариш ва уч ой муддатда синаб кўриш ҳақида тўхтамга келинган. Мослама Тошкент вилоятининг учта туманида тажрибадан ўтказилди. Махсус олиб борилган мониторинг натижасидан келиб чиқиб, янада такомиллаштирилди. Бу орада давлат Патент идораси томонидан ҳам рўйхатга олиндики, бу энди мослама оқсоқолнинг ихтироси сифатида қонуний шаҳодатланганини англатади. Аммо янгилик ўз номи билан янгилик, унинг амалиётга жорий этилиши ҳам осон кечмайди. Йўл-йўлакай кутилмаган муаммо, тушунмовчилик келиб чиқиши ҳам мумкин. Бироқ бу — оқсоқолнинг ихтироси талабга жавоб бермаслигини англатмаса керак. Чунки унга қизқувчилар сони кундан кунга кўпайиб бормоқда.

Синовлардан муваффақиятли ўтган, наинки фуқаролар, балки жамият учун ҳам фойдали бўлган мосламани амалиётга кенг жорий этиш эса соҳа ходимларининг профессионал лаёқатига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

* * *

Юқорида Қалмон Эргашевнинг иккитагина тажрибаси баён этилди. Биз ҳали оқсоқолнинг маҳаллада парандачиликни ривожлантириш борасида бошлаган иши ҳақида гапирганимиз йўқ. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган кичик корхона ташкил этиш ташвишида юргани хусусида ҳам оғиз очмадик (саховат ишларида ўрнак бўлаётгани ҳақида-ку оқсоқолнинг ўзи ҳатто гап очишга қўймади). Қаҳрамонимиз қармоқ билан сув лабига бориб, балиқсиз қайтмайдиганлардан эканини инобатга олсак, режадаги ишлар ҳадемай амалга ошишига шубҳа қолмайди.

Булар энди алоҳида мавзу.

Ҳабиба ШЕРОВА,
Турсунали АКБАРОВ,
"Mahalla" мухбирлари.

Маҳалла жонкуярлари

«МАСЛАҲАТЧИДА ИШИМ БОР...»

Янгиариқ тумани Каттабоғ қишлоғидаги «Жалойир» маҳалласи фуқаролар йиғининнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Бикажон Собировани шундай дея тез-тез йўқлаб туришади. Бикажон маҳалладошларидан ёрдамини аямайди. Ҳатто уни ярим тунда безовта қилишганида ҳам, аввало касби, қолаверса, инсонийлик нуқтаи назаридан ҳеч кимнинг кўнглини қолдирган эмас.

Бугун ҳам фуқаролар йиғини идорасига энди отланаётган эди, маҳзун кайфиятдаги ёшгина йигит хонадонига йўқлаб келди.

— Фуқаролар йиғинига бормоқчи эдим. Лекин у ерда одамлар кўп бўлади. Опажон, илтимос, менинг дардимни эшитинг. Буни фақат ўзингизга айтмоқчи эдим.

Бикажон опа йигитни ҳовлисидаги ўриндиққа таклиф этди. Бир пиёла чой узатди. Бироқ йигит бир ҳўпладию томоғидан ўтмади шекилли, пиёлани стол чеккасига қўйиб, маслаҳатчига дилидаги гапларни айтди:

— Умр йўлдошим билан севишиб, бир-биримизни синаб турмуш қурган эдик. Тўйимиз жуда яхши ўтди. Оқсоқол, маҳалла аҳли, шахсан ўзингиз бош-қош бўлиб тўйни ўтказишга кўмак бергандингиз. Бунинг учун ҳалигача сизлардан миннатдорман. Аммо бир йил ўтмай ширин турмушимизга путур етди. Айтишга ҳам тилим бормайди. Онам билан умр йўлдошим сира чиқиша олишмаяпти. Майда-чуйда, арзимас нарсалардан баъзан катта жанжал чиқади. Ўз оиламдаги бундай нохуш ҳолатни айтиш мен учун жуда ноқулай. Жуда хижолат чекяпман. Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди, опажон...

Бу сўзларни айтаркан, йигитнинг кўзларида ёш милтиради. Маслаҳатчи одатдагидек тажрибасига таянган ҳолда унинг кўнглига йўл топди.

— Ҳеч куюнманг, укажон! — деди. — Ҳаётда бундай воқеалар бўлиб туради. Ўзим онангиз билан ҳам, келин билан ҳам учрашаман. Шу бугун бораман. Кўрасиз, қайнана-келин она-боладек бўлиб кетишади.

Худди шундай бўлди ҳам. Ҳозир бу оиладаги қайнана-келин муносабатларига ҳамманинг ҳаваси келади, улардан ибрат олишади.

Бикажон Собирова ҳамиша ана шундай хайрли ишларга бош-қош. Маҳаллада маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб, қадим қадриятларимизни улуғлаш, аҳолини, айниқса, хотин-қизларни ишга жалб этиш, оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, турли жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, «Соғлом она — соғлом авлод», «Баркамол авлод йили» Давлат дастурларини ҳаётга тадбиқ этишдаги жонкуярлиги таҳсинга лойиқ. У 2009 йил ўтказилган «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг минтақавий республика босқичида 2-ўринни қўлга киритган эди.

Асли зиёкор, муаллима Бикажон Собировининг нафақат Каттабоғ қишлоғида, балки бутун воҳада обрўси бор. Боиси маҳаллага маслаҳатчи вазифасига тайинлангач, унинг саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан амалга оширилган ишлар туфайли маҳалла обод бўлди, муаммолар ҳал этилди. Энг муҳими, маҳаллада маънавий муҳит барқарорлашди. Ҳар ишда пешқадам, катта ҳаётий тажрибага эга маҳалла маслаҳатчиси ҳамиша эл ташвиши ва қувончи билан яшашни ҳаётининг мазмуни деб билади.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Маҳалла тизимида кимлар ишлайди?

АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Бухоро шаҳри Абдулхолиқ Ғиждувоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Моҳира Файзуллаеванинг асл касби ўқитувчи. Узоқ йиллар шаҳардаги 4-умумтаълим мактабида меҳнат қилиб, одамлар билан ишлаш, уларни бир мақсад йўлида сафарбар эта олиш, ёшлар билан тил топишиш борасида эгаллаган тажрибалари эндиликда опанинг маҳалла тизимидаги фаолиятида ҳам қўл келмоқда.

Айни пайтда 640 та оила таркибида 2409 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бу ҳудуд шаҳардаги энг ибратли маҳаллалардан. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ.

2006 йили янги раиса М.Файзуллаева ишни ёшлар билан шуғулланишдан бошлади. Дастлаб, маҳалла ҳудудидаги ташландиқ ер ободонлаштирилиб, ҳашар йўли билан спорт майдончаси бунёд этилди. Шу тариқа бу ерда Расул Бобожонов мураббийлигида маҳалла футбол жамоаси шакллантирилди.

Шундан сўнг хотин-қизларни ҳунарга ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш мақсадида йиғин ҳузурида оилани ижтимоий ҳимоялаш маркази ташкил этилди. Айни пайтда марказда ўттиз нафарга яқин қизжувон «Устоз —шогирд» анъанаси асосида Севара Бозорова, Лола Оқилова сингари устозларидан тикувчилик, зардўзлик, компьютерда матога нақш солиш каби ҳунарларни ўрганишмоқда.

— Бугун маҳаллани кезсангиз бирорта ҳам бекор юрган кишини учратмайсиз, — дейди раиса опа. — Негаки, ҳудудда кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Чунончи, маҳалла қошидаги Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссияси раиси Ориф Бафоев раҳбарлигидаги «Акфа» ромларини йиғиш ҳамда ғишт ишлаб чиқариш кичик цехларида йигирма нафардан зиёд фуқаро иш билан таъминланди.

Шунингдек, Салоҳиддин Раҳматов, Вали Тўхтаев, Деҳқон Нуров, Сафар Алимов сингари тадбиркорларнинг автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, чилангарлик йўналишларидаги кичик цехларида жами юз нафарга яқин ёшлар меҳнат қилишмоқда.

Ҳудудда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш асносида йиғиндаги тотувлик, хонадонлардаги фаровонлик сирини англагандек бўлдик. Аввало, барча хонадонлар ўзига тинч, ҳалол меҳнати ортидан яхшигина даромадга эга. Дарҳақиқат, яшаш тарзидан мамнун, аҳил оилага низо, жанжаллар бегона. Бундай хонадонларда кишилар эртанги кунга умид билан қарайдилар, ўзгаларга эзгулик улашиш кайфиятида бўладилар. Буни маҳалла фуқаролар йиғининнинг фаол тадбиркорлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳалладаги саховатпеша инсонлар томонидан болалар майдончасини жиҳозлаш учун икки миллион уч юз минг сўмлик спорт жиҳозлари, инвентарлар олиб берилди. Бир километрга яқин йўлга асфальт ётқизилди.

— Маҳалламизнинг бугунги обод қиёфаси, аҳолининг тинч-тотувлигида маҳалла фуқаролар йиғинида ишлаётган барча ходимлар, фаолларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, — дейди Моҳира Файзуллаева. — Хусусан, маҳалла маслаҳатчиси Зебо Очилова, Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, 3-мактабгача таълим муассасаси мудираси Шаҳзода Ғафурова, Ободонлаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш комиссияси раиси, табиатшунос олим Ҳожи Ҳайитов тўй-ҳашам ва маъракаларни тартибли ўтказиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб қилиш борасида ўз кўмакларини аяшмаяпти.

Дарҳақиқат, бугун маҳаллаларда катта ҳаётий тажрибага эга, турмуш синовларида тобланган, билимли ва фаол инсонлар етакчилик қилишмоқда. Аҳолининг ҳар қандай муаммоси юзасидан маҳаллага мурожаат қилаётгани, маҳаллага ишончи катта эканлигининг сабаби ҳам аслида шундан.

Акбар РУСТАМОВ,
«Mahalla» мухбири.

© фото-Носир Ҳайдаров

"Чинор" Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги энг йирик маҳаллалардан бири ҳисобланади. Бу ерда 2800 оила, яъни 7535 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла ҳудудида 54 та кўп қаватли уй, ўнлаб ҳовлилар жойлашган.

Маҳаллада кейинги йилларда катта миқёсида ободонлаштириш ишлари амалга оширилянти. 2 та мактаб, 1 та боғча, бозор, бир қанча аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари ишлиб турибди. Маҳаллада кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда.

СУРАТДА: *маҳалла фуқаролар йиғини раиси Холида Фозилова йиғин котиби Мактуба Маннонова билан навбатдаги ишларни режалаштиряпти.*

Комиссиялар фаолиятидан

ТАДБИРКОРЛИК ҲАР ИШДА КЕРАК

Аксарият маҳаллаларга борганимизда, маҳалла фаоллари ўз ютуқлари ҳақида тўлқинланиб сўзлашади. Ора-сира баъзи муаммолар хусусида ҳам гап очиб, уни маҳалланинг ўзида ҳал этишаётганини айтишади. Бу маҳалла фуқаролар йиғинида ишлаётган мутасаддиларнинг ўз вазифасига масъулият, жонкуярлик билан ёндашаётганидан далолат. Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги маҳаллалардан бирига ташриф буюрганимизда раис, масъул котиб ва маслаҳатчини иш устида учратдик.

© фото-Носир Ҳайдаров

Пештоқига «Сирғали гузари», деб ёзиб қўйилган ҳайҳотдай бинонинг кичик бир хонасигина маҳалла фуқаролар йиғинига ажратилибди. Шу кичик хонада ишлаб ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин экан. Бу маҳалла ҳаёти билан танишиб, аҳоли учун тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка кенг йўл очилганининг гувоҳи бўлдик. Айни пайтда маҳалла қошида ташкил этилган Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссиясига «Тадбиркор аёл» уюшмасининг туман бўлими раиси Маҳфуза Шоёқубова бошчилик қилади. Унинг ташаббуси билан маҳаллада устачилик цехи ишга туширилиб, унда кам таъминланган оилалар фарзандлари касб ўрганишга жалб этилган.

— Оиламиз аъзолари кўп йиллардан буён ҳунармандчилик билан шуғулланади, — дейди Маҳфуза опа. — Дурадгорлик, ўймакорлик, ошхона жиҳозлари ясаш, таъмирталаб мебелларни созлаш — барчаси фарзандларимнинг қўлидан келади. Маҳалладаги касб ўрганишга қизиқиши бор йигит-қизлар келиб устахонамизда ҳунар ўрганишяпти. Яқин йилларда бу устахонани янада кенгайтириш, ёшлар учун қўшимча янги иш ўринлари яратиш режамиз бор. Шу пайттача маҳалла ҳунармандлари ва тадбиркорлари билан биргаликда турли кўрик-танловларда иштирок этиб яхши натижаларни қўлга киритдим. Мисол учун, «Ташаббус—2004»нинг туман босқичида «Йилнинг энг яхши ҳунарманд аёли» номинациясида ғолиб бўлган эдим. «Ташаббус-2005» да эса 3-даражали диплом билан тақдирландим. Бу йил ҳам ушбу кўрик-танловда муносиб иштирок этиш учун ҳаракат қиляпман.

Маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Ойша Мирзабековнинг таъкидлашича, 20 нафар уй бекаси касаначилик туфайли яхшигина даромадга эга бўлишаётган экан.

— Маҳалламизда 6 минг нафар аҳоли яшаётган бўлса, шундан 2 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳар бир аёл ўз хонадонининг маликаси, фаришталари. Аёли тежамкор, уддабурон хонадонда доимо хурсандчилик барқарор. Шуни ҳисобга олиб, ёш болали ва ишламайдиган аёлларни касаначиликка жалб қиляпмиз. Ҳунар ўрганишга қизиқаётган ёш йигит-қизларни «Устоз—шогирд» анъанасига асосан тикувчи ва ҳунармандларга бириктиряпмиз, — дейди йиғин раисаси.

Маҳаллада яшовчи Офтобхон Мирзараҳимова тўн тикиб, ном қозонган. Гулираъно Тиллахўжаева, Умида Ражабова эса турли кийим-кечакларни тўқиш баробарида, бу ҳунарни мактаб ўқувчиларига ҳам ўргатиб келишяпти. Қўлигул тикувчи Давлатхон Мирзабоева яқинда банкдан кредит олиб, маҳаллада тикувчилик цехи очмоқчи. Яна бир тадбиркор аёл Шоҳида Зокирова чинни идишларга гул чизиб, уни маҳалла аҳлига арзон нархда сотаётганидан мамнун.

— Бундан бир неча йил аввал турмуш ўртоғим бевақт оламдан ўтди. Фарзандлар, рўзғор ташвиши ўзимнинг зиммамда қолгач, маҳалладошларим таклифи билан мана шу ҳунарни ўргандим. Ўғлим ва қизим ҳамиша ёнимда тиргак бўлиб, дарсдан бўш пайтида менга кўмаклашишади. Шу ҳунар туфайли ҳаётимни яна изга солиб олдим, — дейди Шоҳида опа.

У яқин кунларда бу ҳунарини ёшларга ўргатиб, шогирдлар етиштиришдек эзгу ният билан яшамоқда.

Маҳалла қошидаги Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссияси ана шундай тадбиркор ва ҳунармандларга яқин кўмакдош, ҳамкор бўлмоқда. Комиссия аъзолари ва тадбиркорларнинг биргаликдаги ташаббуслари туфайли кўпқаватли уйлар ёнида бешта болалар майдончаси ташкил этилди. Бундан ташқари, маҳаллада яшовчи 64 та кам таъминланган оилага ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Маҳалланинг янги аркаси бунёд этилиб, кўпқаватли уйлар оралиғидаги мўъжазгина боғни «Баркамол авлод боғи»га айлантириш ҳам маҳалла фаоллари ва тадбиркорларининг эзгу режасидир. Бундан кўриниб турибдики, тадбиркорлик ва ҳунармандчилик ривожланган маҳалла ҳамиша обод ва кўркам, аҳоли турмуши фаровон бўлади.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Mahalla» мухбири.

СУРАТДА: *ҳунарманд Ш.Зокирова шогирди Г.Мамутова билан иш жараёнида.*

Дунёдан дараклар

АВТОҲАЛОКАТ РЎЙ БЕРДИ

Бразилияда спорт фестивалидан қайтаётган йўловчиларни олиб кетаётган автобус кўприкдан дарёга қулаб тушган. Автобусда жисмоний имконияти чекланган инсонлар ҳам бор эди. Улардан 11 таси ҳалок бўлди, 30 нафари эса турли даражада тан жароҳатлари олган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг маълум қилишича, ҳайдовчи бошқа автобус билан тўқнашиб кетишнинг олдини оламан, деб бошқарувни йўқотган. Оқибатда автоҳалокат рўй берган.

«МЕГИ» БЎРОНИ ТАЛОФАТ КЕЛТИРМОҚДА



Филиппин ороларининг шимолида «Меги» бўрони (тайфун) юзага келди. Унда кучли сел ва 280 км/с тезликдаги шамол кузатилган. Оқибатда электр таъминоти узилиб, авиалинияларда айрим рейслар бекор қилинган.

РАИ «Новости» «Меги» бўронининг бешинчи бор юзага келганини қайд этяпти.

Ҳукумат юзага келган офат йўлларни ювиб кетиши ва биноларни вайрон қилиши, шоли майдонларига катта талофат келтириши ҳақида огоҳлантирмоқда. Фермерларга мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги энг ривожланган ҳудуди томон йўналаётган бўрон дастлабки зарба бергунча ҳосилнинг асосий қисмини йиғиб олиш маслаҳат берилмоқда.

ЙИРИК ОЛМОС БИРЖАСИ ИШ БОШЛАДИ



«Финмаркет» агентлигининг хабар беришича, шу йилнинг октябридан Ҳиндистонда йирик олмос биржаси ўз ишини бошлади. 250 миллион доллар қийматга эга Бхаратдаги Биржа мажмуаси ҳар бири 9 қаватли бўлган 8 та минорадан иборат. Олмосни йўниш ва силлиқлаш ҳажми бўйича ҳозир дунёда биринчи ўринни эгаллаётган Ҳиндистон олмос ва бриллиант савдосида Белгия ва Исроил билан рақобатлашмоқчи.

"Financial Times"нинг маълумотига кўра жаҳондаги олмоснинг 90 фоизига Ҳиндистонда ишлов берилади. Мажмуа ҳудудида трейдерлар ва олмос компаниялари вакиллари билан бирга банк, солиқ ва бошқа соҳа вакиллари ҳам фаолият олиб боради.

РОССИЯЛИК ХАККЕРЛАР СУД ҚИЛИНДИ

Оклахома-сити (АҚШ) шаҳрининг федерал суди аъзолари Россиянинг икки фуқароси – 25 ёшли Дмитрий Кривошеев ва 24 ёшли Максим Илларионовни банк ҳисоблари билан боғлиқ товламачиликда айбдор, деб топди. Яна бир россиялик 25 ёшли Алексей Петров эса суд томонидан айбсиз, деб эълон қилинди.

Суд материалларига кўра Флорида штатида яшаган Кривошеев ва Илларионов биргаликда тил бириктириб, компанияларнинг банк ҳисоблари ҳимоясини синдиришга қодир электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда товламачилик тизимини қўллашган.

Тергов жараёнида маълум бўлдики, хаккерлар билан ҳали шахси аниқланмаган Украина фуқаролари ҳам тил бириктирган. Улар махсус ишлаб чиқилган дастур ёрдамида ташкилотларнинг компьютер тизимини очиб, керакли маълумотларни аниқлашган. Умумий ҳисобда улар 1,3 миллион доллар ўғирлашган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Бор бўлсин оқибат!

ДУНЁ АСЛИ ЯРАЛГАНДИР МЕҲРДАН

Самарқанд шаҳри «Олтин аср» маҳалласида жойлашган 11 – сонли "Меҳрибонлик уйи" кейинги йилларда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими кўмагида, шаҳар ҳокимлиги ёрдамида янада обод, ораста масканга айлантирилди. Ётоқхона, ошхона, машғулотлар олиб бориладиган синфхоналар тўлиқ таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

— «Меҳрибонлик уйи»да 110 нафар бола тарбияланмоқда, — дейди директор ўринбосари Нодира Ражабова. — Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, дарслик китоблари, ўқув қуроллари етарли. Болаларимиз 1-4-синф машғулотларини шу ерда ўтишади, 5-9-синф машғулотларини эса шаҳардаги, ўзимизга яқин жойда жойлашган 42-, 43-мактабларда давом эттиришади.

Оиламиз кўп миллатли. Ўзбек, рус, татар, тожик, қозоқ ва бошқа миллатга мансуб болалар бир хонадон фарзандларидек иноқ яшашади.

Ўтган ўқув йилида умумтаълим мактабларини 12 нафар ўғил-қизимиз битирди. Уларнинг барчаси касб-ҳунар коллежларига ўқишга киришди. Коллежларни битирганлари эса ишга жойлаштирилмоқда. Олийгоҳда ўқишни давом эттирадиганларга савобталаб ҳомийларимиз томонидан ёрдам кўрсатилмоқда. Масалан, Садбар Насриева Самарқанд давлат университетига ўқишга шартнома асосида киришга муваффақ бўлди. «Sen yolg'iz emassan» жамғармаси Садбарнинг 4 йиллик шартнома тўловини бир йўла ўтказиб берди.

«Меҳрибонлик уйи»нинг иқтидорли болаларига ҳам етарли имкониятлар яратилган. Улар вилоят халқ таълими бошқармаси орқали Тошкентдаги А.П.-Хлебушкина номидаги 22-сонли «Меҳрибонлик уйи»га ҳарбий ва бошқа фанлар бўйича ўқишга юборилади. Айни пайтда ҳам 8 нафар ўғил бола ҳарбий йўналишда, 4 нафар иқтидорли ўқувчи бошқа фанлар бўйича Тошкентда ўқишни давом эттирмоқда. Абдулазиз Аллаёров, Озодбек Мирзамуратов, Люиза Суюндикова, Анастасия Болот, Ҳумоюн Отақулов ана шундай иқтидорли ўқувчилардан.

Болаларнинг ҳар бири ўзгача бир олам. Уларнинг муайян соҳага, ҳунарга қизиқиши, иқтидори борлиги ҳисобга олиниб, бу ерда 12 та тўгарак фаолият юритмоқда. «Кулолчилик», «Тарихий ўлкашунослик», «Ёш ижодкорлар», «Бадиий тўқиш», «Сирли мунчоқлар» тўгараклари шулар жумласидан. Шаҳардаги 4-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби машғулотлари шу ерда ўтказилмоқда. Мусиқа фани ўқитувчиси Сабоҳат Баратова эндиликда ўғил-қизларни мусиқанинг сеҳрли олами билан таништирмоқда.

«Юмшоқ ўйинчоқлар тикиш» тўгарагига Лилия Софина раҳбарлик қилади. Тўгарак аъзолари Отақулова Покиза, Котова Мариналарнинг ясаган ўйинчоқлари кишининг эътиборини тортади. Қўғирчоқлар болаларнинг ўй-кечинмалари, орзу-армонларини ифода этиб туради.

— Мана бу қўғирчоқ, менман — онажоним билан кўришиш учун қучоғимни очиб турибман, — дейди 7-8 ёшлардаги қизалоқ.

— «Меҳрибонлик уйи» болаларига биз қанчалик меҳр кўрсатмайлик, бошида қанчалик парвона бўлмайлик барибир улар ўз оиласи бўлишини, ота-онаси бағрида яшашни исташади, — дейди «Олтин аср» маҳалласи фуқаролар йиғини раисаси Хайринисо Шатанова. — Шунинг учун ҳар бир байрам, қувончли кунларда улар бизнинг эътиборимиздан четда қолмайди. Масалан, Темир Жўраев билан Зарина Юсуповалар меҳрибонлик уйидан сўнг туризм касб-ҳунар коллежини битиришди. Бир-бирига кўнгил қўйиб оила қуришди, икки нафар фарзандли бўлишди.

Президентимизнинг 2010 йил 2 августдаги "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида уларга ёрдам бериш ҳаракатидамиз.

Меҳри дарё, қалби кенг, болажон халқмиз. Шундай экан, меҳрибонлик уйларида тарбияланиб, камол топаётган ўғил-қизлар ҳам барча ёшлар сингари бизнинг келажагимиздир. Уларга ота-она меҳрини эли, юрти беради. Эл-юрт меҳри эса қуёш ҳароратидандa тафтлироқдир.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Мушоҳада

ҚЎШИҒИНГИЗ КИМГА АРМУҒОН?

«Лазги» рақсини томоша қилаётганингизда ёки "Муножот"ни тинглаётганингизда беихтиёр сеҳрланасиз. Санъат оламининг оҳанрабоси сизни ўзига тортаверади. Яхши мусиқа, меъёрига етказиб қуйланган қуй-қўшиқ инсон қалби ва шуурини сеҳрлаши, кучли таъсир кўрсатиши бежиз эмас.

Халқнинг меҳр ва ҳурматини қозонган, ўзининг соҳир овози билан кўпчиликнинг кўнглидан жой олган санъат дарғаларидан бири ёш хонандалар ҳақида гап кетганда: «Тасаввур қилинг: саҳнага қулоқни батанг қиладиган тарақа-туруқ мусиқа садолари остида югуриб чиқиб, ҳар хил ҳаракатлар билан торсиз ашула айта бошласам... бу ҳолат нафақат бачкана, балки жудаям аянчли кўринган бўлади», деган эди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда аксарият ёш хонандаларнинг нафақат ижро, балки сўз ва мусиқага ҳам юзаки ёндашишлари оддий ҳолга айланган.

Акаси акамнинг жўраси,
Отаси элатнинг шўроси.

Бу мисралар хусусий телеканалларимиздан бирида тез-тез «айлантириладиган» қўшиқ. Яъни қўшиқчи севадиган қизининг акаси ўзининг акаси билан ўртоқлиги, отаси эса маҳалла оқсоқоли эканини айтяпти. Қўшиқнинг давомида йигитнинг ўз дил изҳорини билдириб, қизнинг отасига ҳам очиқдан-очиқ мурожаат қилганини тинглашингиз мумкин.

Яна бир «асар» шундай хониш қилинади:

Олма арчиб бераман,
Анор сиқиб бераман,
Сизникиман десанг, жоним
Ойни олиб бераман.
Сизникиман десанг, жоним
Не десанг обераман.

Хўш, айтинг-чи, шуни қўшиқ, деб жамоатчиликка ҳавола этиш мумкинми? Маънавиятли инсон, ҳатто мусиқий диди ўртамиёна киши ҳам бу «асар»ни эп кўриб тинглармикан? Ваҳоланки, бу қўшиқ ҳар куни эфирда бир неча марта берилади. Уларни тинглаган, одоб-ахлоқ қоидаларига, миллий анъаналаримизга тўғри келмайдиган маънисиз сўзлар йиғиндисини қўшиқ деб қабул қилаётган ёшларнинг диди, мусиқа ҳамда санъат борасидаги тасаввури қай аҳволда бўлишини кўз олдингизга келтиришингиз қийин бўлмайди.

Реп йўналишидаги иккита қўшиқ тинглаган бола репперча кийинишга қизиқиши, ҳатто юз ифодаларию салом-аликларда ҳам алмойи-алжойи ҳаракатларга тақлид қилиши ёт маданият хуружи эканлигидан далолат.

Қалбим ёнар фироқда,
Аламим бор тароқда.

Буям телеканалларимизда бот-бот янграйдиган «санъат намуна»ларидан бири. Ғамбода оҳангда куйланадиган ушбу қўшиқни дастлаб эшитган кишининг беихтиёр кулгиси қистайди. Ифоданинг бу қадар бачкана ва жўнлиги, шунингдек, ҳиссиётларнинг ўтмаслиги кишини таажжублантиради.

Шоир оддий мулоқот орқали ифодалашнинг имкони бўлмайдиган туйғуларини шеърга солади. Унинг янада жозиба ва сеҳрини оширишда гўзал мусиқа ва маромидаги ижронинг ўрни беқиёс. Ана шундагина у биз яхши кўриб тинглайдиган ашула бўлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «Биз эстрада санъатининг бугунги ва эртанги ривожи ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор «миллий эстрада» деган иборанинг маъно-мазмунига алоҳида эътибор беришимиз, уни ҳар қандай бегона таъсирдан, айниқса, «оммавий маданият» руҳидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишимиз табиий, албатта. Бу ҳақда гапирганда, бир ҳолатни афсус билан айтишга тўғри келади. Айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган «асар»лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва мусиқа, ижро усуллари, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очиқдан-очиқ ажнабий «оммавий маданият» кўринишларига тақлид қилиш, «юлдузлик» касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта».

Қандай мусиқа тинглаш ҳар кимнинг хоҳиши. Бироқ чет эл мусиқасини ўзлаштириб, унинг ритмига мослаб жўн сўзлар йиғиндисидан гўёки «хит» яратиб юлдузга айланиш на овози, на мусиқа соҳасида маълумоти борларнинг қўлидан келадиган ишга айланиб қолмаяптими? Бундан муаммо ясаш ниятимиз йўқ, бироқ тингловчининг диди ўтмаслашиб бораётгани кишини ташвишлантиради.

Хусусий телеканаллардан бирида «таниқли юлдуз»нинг туманлар стадионларида ўтказилган концерти тасвири такрор ва такрор эфирга узатилди. Сочини тепага қараб ялтиратиб тараган, туркча мусиқа ва оҳангда, тинимсиз бир хил ритмда беўхшов сакраб куйлаётган йигитчани бутун стадион олқишлардики, беихтиёр санъат намояндаси куйлаяптими, дейсиз. Ёш йигит-қизлар бир томонда қолиб, уларнинг ота-оналари тенги бўлган кап-катта аёл ва эркаклар қийқириб уни олқишлаши, тўлиб тошиб «юлдуз»га тилаклар билдириши бир қарашда ғалати туюлади.

Илгарилари ҳар бир хонадоннинг тўрида бирор-бир миллий чолғу асбоби осиғлиқ турган. Ана шу хонадондаги каттаю кичик уни чалишни ва энг муҳими, тинглашни билган. Шунинг ўзи халқимизнинг мусиқа санъатига бўлган ҳурмати, эъзозидан нишона эмасми!? Билъакс, бу туйғу ва эҳтиромга ўз билганича «жило» бериш, маза-матрасиз сўз ва ҳаракати билан қадрини пасайтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Мамлакатимизда бой меросимиз сирасига кирувчи мумтоз мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш, ёшларнинг онгига етказиш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб нуфузли кўрик-танловлар, халқаро даражадаги мусиқа анжуманлари ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг замирида ёш авлодда мусиқа санъатига меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларнинг бу борадаги дунёқарашларини кенгайтириш, ўғил-қизларни миллий анъана ҳамда қадриятлар руҳида камол топтириш мақсади мужассам.

Феруза ЭГАМОВА.

Психолог маслаҳати

БОЛА ЖИЗЗАКИ БЎЛСА...

Ҳузуримизга ёрдам сўраб келган ота олти ёшли ўғлини олдимизга олиб киришга қийналарди. Ўғли хонага киришни истамагани учун отаси уни мажбурлай бошлади. Лекин болакай қайсарлик қилиб, ерга ўтириб олдида, бор овози билан бақириб йиғлай бошлади.

— Мана, доктор, бизни қийнаётган муаммо — шу. Биз ўғлим истагини бажармасак, ерга ётиб олиб йиғлайди. Жиззакилик қилиб ҳеч гапга кирмайди, — деди боланинг отаси.

— Онаси борми?

— Ҳа, бор, лекин у ишлайди.

— Фарзандингизни ким парвариш қилади?

— Бир қўшнимиз маош эвазига қараб туради.

Ота билан ўтказган суҳбатимиз орқали боланинг мактабга биринчи синфга бориши, лекин мактаб муҳитига мослаша олмай, тез-тез "кетаман"га тушиб қолишини билиб олдик. Боланинг онаси эса жуда талабчан бўлиб, тарбиячига: "Боламга бирор нарса бўлса, ўзингиздан ўпкаланг", дер, болани бир дақиқа бўлса-да, эътибордан четда қолдиришга йўл қўймас экан. Тарбиячи ҳам болага бирор нарса бўлмасин, деб уни ҳеч кўчага олиб чиқмас, энди қадам ташлашни ўрганган вақтида бирор ери лат емасин, деб бўш хонага қамаб қўяркан. Ҳолбуки, бола кўп нарсани атрофидаги жиҳозларни ушлаб, кўзи билан кўриб ўргана олади. Қолаверса, болалар чақалоқлигиданоқ оила аъзоларини, уларнинг гап-сўзларини кузатади, эшитади. Уларга тақлид қилган ҳолда ижтимоийлашади. Бўш хонада эса бола ҳеч нарсани ўрганмай улғаяди.

Кучли эътибор, севги ва меҳрни ҳис қилмаган бола руҳий камолотда ҳам орқада қолади. Шу сабабли фарзандларимиз истаган нарсасига тўғри йўл билан эриша олмагач, йиғлаб, бақириб — чақириб, ер тирмалаб эришишга ҳаракат қилади. Бир сафар шу йўл билан истагига эришган бола, бу қилиғини доимий равишда қўллайди. Кичкинагина нарсани ҳам ота-онасидан тўполон, жанжал билан ундириб олишга одатланади.

Ҳузуримизга олиб келинган бола кун бўйи ота-она эътибори, меҳридан четда қолган. Болакай ота-онаси ишдан қайтганида улардан эътибор кутади. Аммо ота-она ишдан ҳориб-чарчаб келгани учун унга етарлича вақт ажрата олмайди. Она уй ва ошхона ишлари билан банд. Ота ҳордиқ чиқариш учун телевизор қаршисидан жой олган. Бола ўзининг шўхликлари билан отасининг оромини бузгани учун ота ундан тинч ўтиришни талаб қилади.

Бола кичик шўхликлари билан уларнинг эътиборини торта олмагач, жиззакилик, тўполон қилиш йўлига ўтади. Ота-она ҳам унинг жанжал қилмаслиги учун истагини муҳайё қилганидан бу жиззакилик одат тусига кириб боради.

Отага вазиятни, боланинг руҳий ҳолатини тушунтирдик. Кейин унинг бола билан кўпроқ шуғулланиши, онаси ҳам уй юмушларидан кўра кўпроқ бола парвариши билан машғул бўлишини таъкидладик. Агар бола ота-онасининг меҳрини ҳис қилса, уни ардоқлашларига амин бўлса, у ҳолда ота-онасини ранжитадиган жиззакилик, сержаҳлликка одатланмайди.

Кетар чоғида ота бизга шундай савол билан мурожаат қилди:

— Ўғлимизга бор эътиборимизни қаратиб, меҳрини қайта қозонганимизда ҳам эски одатларини давом эттирса, жиззакилик қилаверса, нима қиламиз?

— Дастлаб одат тусига кириб улгурган бу феъл-атворидан воз кечиши қийин бўлади. Агар бола истаётган нарсани ноўрин ва кераксиз ҳисобласангиз, бола жиззакиликни бошлаганида уни ўз ҳолига ташлаб кўздан нарироқ бўлинг. Театрда томошабин бўлмаса, актёр томошани давом эттирмайди. Сиз болани холи қолдириб, унинг хархашаларига томошабин бўлмасангиз, жанжални давом эттиришига бирор сабаб қолмайди. Бу ҳолни бир неча бор такрорласангиз, бола энди бу усули "иш бермаслигини" тушунади ва истакларини тўғри йўл билан билдира бошлайди.

Дилфуза ШОЙЗОҚОВА тайёрлади.

Боқий анъана

«ЁР-ЁР» АЙТИНГ, НУРГА ТЎЛСИН БУ ОЛАМ

Турли ўланлар, термалар, қўшиқлар, "ёр-ёр" ва лапарлар кайвони момолар, бахши боболар орқали бизгача етиб келган. Авлодлар учун бебаҳо мерос сифатидаги бу халқ оғзаки ижоди намуналари бугунги кунда юксак қадр топаётир.

Бу қўшиқларнинг ўзига хос ижро анъанаси минг йилликларга тенгдош экани ҳам унинг қадимийлигидан бир нишонадир. Буни "Алпомиш" достонида ҳам "ёр-ёр"ларга алоҳида эътибор берилганидан билиш мумкин.

"Ёр-ёр"лар асрлар силсиласидан ўтиб, замон билан ҳамнафасликда яшаб келмоқда. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида "ёр-ёр"лар турлича айтилади. Масалан, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида тўй куни куёв жўралари билан келинни олиб кеттани келади. Қиз қариндош-уруғлари, куёв томонидан келган меҳмонлардан уялиб, қўшнисининг уйида туради. Ушбу маросим "қиз сақланди", деб номланади. Келинни куёвникига олиб кетишмоқчи бўлишганда, келиннинг дугоналари уни ёки бирор-бир буюмини яшириб қўйишади. Қизлар талаби қондирилгандан сўнг дугоналар келинни "ёр-ёр" садолари остида кузатишади. Шу билан "қиз сақланди" маросими ниҳоясига етади.

Дарҳақиқат, бу маросимнинг илк куртаклари "Алпомиш"да "қиз опқочди" тарзида учрайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, халқ оғзаки ижодидаги "ёр-ёр"лар шунчаки кўнгилхушлик учун яратилмаган. Унда халқ тарихи, орзу-интилишлари, миллий руҳияти ўз аксини топганки, шу жиҳатдан ҳам "ёр-ёр"лар бугунгача барҳаёт.

Сайёра ТОШЕВА.

Оқил ота ўгити

ФАРЗАНДИНГИЗ БИЛАН ДЎСТ БЎЛИНГ

Бир неча йил аввал вилоят марказидаги институтлардан бирида таҳсил олаётган талаба ўғлимни кўриб келиш мақсадида шаҳарга бордим. Институт ҳудудидаги ёшлардан сўраб-суриштириб ўғлим яшайдиган талабалар ётоқхонасини ҳам аниқладим.

Беш қаватли ётоқхонанинг бешинчи қаватига кўтарилиб, йўлақда қўлини орқага қилиб турган таниш институт домласидан ўғлимни сўрадим.

— Ҳа, шу ерда, — деди у хомуш кайфиятда.

Йўлакнинг ҳар икки томонида жойлашган хоналарга қарадим. Эшиклар ёпиқ, йўлақда ўз юмушлари билан банд қизлар кўзга ташланарди.

— Ўғил болалар қаерда?

— Ҳов, анави катта залда номоз ўқишяпти.

Ҳақиқатан ҳам эшиги очиқ шинамгина хонада 20-30 чоғли талаба қиблага қараб туришарди. Олдин ажабландим. Бу мен учун янгилик эди. Чунки ўғлим номоз ўқиганини кўрмаганман ва бу ҳақда онаси ҳам менга ҳеч нарса демаган. Бир вақтлар атеизм фанидан талабаларга сабоқ берган институт домласини яхши таниганим учун унга киноя қилдим.

— Сиз нега томошабин бўлиб ўтирибсиз?

Домла ҳазилни тушунмади, шекилли, хижолатомуз деди:

— Бизга бир ёш ўқитувчи ишга келган. Ўшанинг таъсирида болалар номоз ўқишни ўрганишибди. Менинг ҳам таътилдан қайтганимга икки кун бўлди.

Ўқув йили тугаб, ёзги таътил вақтида ўғлим уйга келди. Секин онасидан суриштирсам, яширинча номоз ўқишини давом эттираётган экан. Дастлаб «Ҳа, бунинг нимаси ёмон, қайтанга ножўя ишлардан тийилиб юради», дея ўйлаб, бу ҳолга ортиқча эътибор қаратмадим.

Бир куни кутилмаганда уйга меҳмонлар келиб қолишди. Ўғлимни чақириб, қўлига пул бердим ва тезда дўкондан ул-бул нарсалар келтиришини сўрадим. Бироз вақт ўтгач, меҳмонлар ўтирган хонанинг эшиги секин чертилди. Чиқсам, онаси турибди. У мени четга имлаб, ўғлим менинг топшириғимни бажармаганини, ҳозир ўзи дўконга чиқиб келмоқчи бўлаётганини, қозоннинг тагидаги оловга қараб қўйишимни сўради.

Бу гап менга қаттиқ таъсир қилди. Чунки болаларим ҳеч қачон гапимни икки қилишмаган. Ўзим ҳам оилада «ота ҳукмрон» муҳитда улғайганман. Меҳмонлар кетишгач, ўғлимни чақиртирдим. Жаҳл устида унга қаттиқроқ гапиришим, ҳатто уришим ҳам мумкин эди. Аммо ўзимни босдим. Чунки бизнинг оиламизда фарзандларга сира қўл кўтарилмаган. Ўғлимдан ўқишлари, номозни қачондан бери ўқиётгани, бунга ким ўргатгани, ўртоқларини суриштирдим. Кейин Ислом дини тарихи, пайғамбаримиз ҳаётига оид саволлар бердим. У Ислом дини ҳақида жуда юзаки тасаввурга эга эди. Унга Ислом ота-боболаримиздан бизгача етиб келган муқаддас дин эканлиги, мустақиллик йилларида Ватанимизда бу диннинг тараққий этиши, эътиқод эркинлигининг таъминланиши учун жуда катта миқёсда ишлар амалга оширилаётганлиги айниқса, бугунги ёш авлоднинг динимизга, урф-одатларимизга қизиқиши, ихлоси баландлиги, фақат ёшларимиз бу динни тасодифий одамлардан эмас, ҳақиқий уламолардан ўрганиши зарурлигини тушунтирдим. Ислом дини ҳеч қачон болани отага, Ватанга қарши қўймайди. Кейинги йилларда болаларимизни экстремистик диний оқимларга жалб қилиб, мустақиллигимизга таҳдид қилинган аянчли воқеаларнинг ҳам шоҳиди бўлганимизни таъкидладим.

Шу кундан бошлаб ҳар куни ишдан сўнг ўғлим билан жиддий суҳбатлаша бошладим. У дастлаб мени оғриниб қабул қилди. Ўғлимга ота-онага ҳурмат, эъзоз ҳақидаги ҳадислардан ўқиб бердим. Диннинг вазифаси, имон-эътиқод эркинлиги тўғрисидаги суҳбатларимиз охир-оқибат натижа берди. Ўғлим бу тўғридаги тушунмаган нарсаларини мендан сўрайдиган бўлди.

Энди талаба ўғлимни кун давомида банд қилиш ҳақида ўйлай бошладим. Бир дўстимдан илтимос қилиб, уни ишга жойлаштириб қўйдим. У энди тушгача дарсига борар, тушдан кейин ишга қатнар, ишдан қайттач, ярим тунгача дарс тайёрлар, қисқаси, қатъий тартиб асосида яшарди. Энди унинг ҳар бир соати белгиланган, бўш вақти умуман қолмаганди.

У диний ва дунёвий билимлардан яхши хабардор, диёнатли йигит бўлиб улғайди. Ичмайди, чекмайди. Номозни ҳам канда қилмайди. Ўқишни аъло баҳоларда битириб, ўзи талабалик даврида ишлаган корхонага ишга борди. Бугун корхонанинг етакчи, ишонган, истиқболли кадрларидан бири. Раҳбарлар ўртасида ҳам, ходимлар ичида ҳам обрўйи жойида. Назаримда, у жамиятда ўз ўрнини топди. Ота-ўғил муносабатларимиз ҳам рисоладагидай. Бир-биримиз билан худди дўстлардек эркин гаплашамиз.

Ўғлимнинг институтда бирга ўқийдиган бир дўсти бор эди. У ўғлимни суриштириб, уйимизга тез-тез келиб тургани боис уни яхши танирдим. Ниҳоятда одобли, билимли ва қобилиятли эди. Отаси катта бир корхонанинг раҳбари бўлиб ишларди. У ўғлининг ўқишига, юриш-туришига беэътибор қаради. Тўғрироғи, қарашга вақти бўлмади. Ўғил қайсидир диний оқимлар таъсирига берилиб, нотўғри йўлларга кирди. Ўқишдан ҳайдалди. Ҳаёти издан чиқди. Ҳозир Россиядами, Қозоғистондами мардикор бўлиб юрганмиш. Отаси ҳам ўғлининг айблари, қилмишлари туфайли вазифасидан четлаштирилди.

Мен ўғлимнинг бу дўсти кўпчилик қатори оддий йигит бўлганида унга кўпам ачинмас, ўша воқеаларни эсламасдим. Аммо у иқтидорли бола эди. Агар у тўғри йўлдан оғмаганида ажойиб мутахассис бўлиб етишар, Ватанга фидойи фарзанд бўлиши мумкин эди.

Ҳаётимда дуч келганим бу воқеани ҳикоя қилишдан мақсадим: бу балки кимгадир ибрат бўлар. Болалари балоғат остонасида турган ёш оталарга айтадиган гапим шу: фарзанд тарбиясида, айниқса, ўғил боланинг камолга етишида отанинг ўрни бениҳоя катта. Биз кўпинча болалар тарбиясини фақат онага ишониб хато қиламиз. Албатта, болалар тарбиясида онанинг ҳиссаси ҳам беқиёс. Бироқ отанинг ҳам ўз ўрни бор. Ўғлингиз билан алоҳида шуғулланинг, ундан сира вақтингизни аяманг. У билан дўст бўлинг. Наслингизнинг давомчиси комил инсон бўлиши учун қайғуринг. Шунда эртага аттанг, деб қолмайсиз.

ОҚИЛ ота сўзларини Абдужалол ТАЙПАТОВ қоғозга туширди.

Бугуннинг гапи

РЕКЛАМА ЯНГИЛИК ЭМАС

Аммо ундан фойдаланишнинг ўз тартиб, талаби бор

< [1]

Реклама муносабатларини тартибга солувчи мазкур қонун рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосан, тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламасини бутунлай тақиқлаш, ноқонуний ва ғирром рақобатдан тадбиркорларни муҳофазалаш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашни назарда тутади. Реклама соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан ўтган йили ўтказилган мониторинг натижаларига кўра аниқланган 333 та қонун бузилиши ҳолатининг 34 фоизи, яъни 118 таси тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламасининг ноқонуний тарзда тарқатилишига тўғри келган.

Жамиятимизда бундай ахборотнинг айланиши, энг аввало, ҳали тафаккури тўла шаклланмаган болалар ва ўсмирларнинг тамаки ва алкоголь таъсирига тушиб қолиши, унга мойиллик кўрсатиши ҳамда келгусида бу иллат измида бўлиб қолишдек ёмон оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ичиш, чекиш инсоннинг соғлиғи ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши, таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай жирканч йўлларга, жиноят кўчасига ҳам етакловчи оғу экани ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимизда унибўсиб келаётган фарзандларимиз соғлиғи, тафаккури ва тарбиясига кенг қамровли эътибор қаратилаётгани замирида ҳам ёш авлодни ана шу иллатлардан муҳофаза қилиш мақсади мужассам. Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантиришга, ўз соғлиғига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга болалар боғчасидан бошлаб ўргатилиши, бу кўникмалар мактаб дарсликлари мазмунига сингдирилиши, олий ўқув юртларида ривожлантирилиши ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишига кўмаклашади. Қонуннинг ушбу нормаси ҳам айнан мана шу мақсадларга қаратилган.

Бугунги кунда кўчаларимизда шундай ташқи рекламаларга дуч келяпмизки, уларда бошқа бир тадбиркорнинг товар ва хизмат кўрсатиш белгиларидан, фирма номидан ноқонуний фойдаланган ҳолда рекламаси тақиқланган товарларнинг номлари билан маҳсулотлар сотилиши учун ахборот тарқатилмоқда. Шунингдек, истеъмолчиларнинг маънавиятига зарар етказадиган ва менталитетимизга тўғри келмайдиган рекламаларни бериш ҳолатлари мавжуд. Масалан, «Буфетная», «Столетов», «Монопольная», «Мемфис» савдо белгиси остидаги алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг номлари ва кўринишларидан фойдаланган ҳолда, минерал сув, лимонад ва бошқа маҳсулотларнинг ташқи рекламаси амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз реклама бозорида 1063 дан ортиқ субъект бўлиб, уларнинг 250 таси йирик реклама агентликлари ҳисобланади. Замонавий реклама воситалари туфайли ахборот оқими жадаллашиб, истеъмолчилар хабардорлиги ортди, товар бозорида маҳсулотлар силжиши учун қулай замин яратилди. Бундай ижобий ҳолатлар билан бир вақтда жамият манфаатлари ва қонун талабларига зид бўлган рекламали ахборотлар ҳам тарқалаётганини айтиб ўтиш лозим.

Истеъмолчилар манфаатлари устунлиги, уларнинг аниқ ва ишончли ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида реклама бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш, қолаверса, тадбиркорлар манфаатларини назарда тутиб рекламага бўлган асосий талаблар янада кучайтирилди. Ахборот мазмунининг бузилишига олиб келувчи хорижий сўз ва иборалардан фойдаланиш, маҳсулот давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганини кўрсатиш ҳам тақиқланди.

Шунингдек, тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар намуналарини текин тарқатиш, уларнинг савдо белгиси ёхуд тасвиридан фойдаланадиган тадбирларга ҳомийлик қилиш, мазкур маҳсулотларнинг савдо белгиси туширилган футболка, бош кийим ва бошқа воситаларни тарқатиш, савдо объектларининг олд томонида, пештахталарида, ташқарига олиб чиқариладиган предметларида ҳамда бошқа жойларида бундай реклама ва ахборотлар ўрнатилиши тақиқланди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб камолга етишлари учун барча зарур моддий шарт-шароитларни яратиш масалалари билан бир қаторда, ёшлар ўртасида соғлом турмуш маданиятини шакллантириш, оилавий қадриятларни тарғиб қилишга қаратилган маърифий тадбирларни ўтказиш белгилаб қўйилган. Зеро, эзгу мақсадларни кўзлаган таъсирчан ижтимоий рекламаларнинг ёшлар тафаккури ва дунёқараши шаклланишида ўрни беқиёсдир.

Феруза ЭГАМОВА,
"Mahalla" мухбири.

Посбонлар фаолиятидан

ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА...

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари ташкил этилганига ўн йилдан ошди. Ўтган вақт мобайнида ушбу тузилма изчил шаклланиб, маҳалладек ижтимоий тузилманинг ажралмас қисмига айландики, жойларда аҳоли тинчлиги ва осойишталигини сақлашда посбонларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари тўғрисидаги Низом" маҳалла посбонлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Шунингдек, Низомда ички ишлар идораларининг фуқароларнинг жамоат уюшмалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш тартиби ҳам белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, 1999 йил 26 апрель куни Республика Ички ишлар вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарорини амалда бажариш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги махсус буйруғи чиқарилди. Бундан ташқари, 2008 йилнинг 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

Мазкур қўшма қарор талабларини бажариш, республика ҳудудида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фуқароларнинг оилада ва маҳаллада тинч, осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида фуқаролар йиғини раислари, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмалари сардорлари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида семинар-кенгашлар, жонли мулоқотлар ўтказиб келинмоқда. Ўтказилаётган тадбирларда маҳалла посбонлари фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг асосий омиллари, фаол сардорлар тажрибасидан унумли фойдаланиш, айниқса, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот органларига яқиндан кўмак беришнинг ўзига хос қирраларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижалар чакки эмас. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида республикамиз бўйича жами 8004 та "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаларида фаолият юритаётган 49375 нафар посбон томонидан 174568 тадан ортиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, ўрнатилган тартибда қонуний чора кўрилди. Бундан ташқари 6393 та жиноят фош этилишида посбонларнинг ҳиссаси катта бўлгани, шундан 867 таси бевосита улар томонидан очилгани алоҳида эътирофга лойиқ. Яна бир эътиборли ҳолат шуки, ўтган тўққиз ой давомида мамлакатимиздаги 2461 та маҳалла, 856 та қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларида умуман жиноят содир этилмади. Бу ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва профилактика инспекторлари раҳбарлигида фаолият олиб бораётган маҳалла посбонларининг хизматини кўрсатади.

Албатта, бундай ижобий натижаларга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг замирида маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари қаторида маҳалла посбонларининг заҳматли меҳнати ётибди. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, маҳалла посбонларининг на иш соати чегараланган, на дам олиш куни бор. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Ахир, маҳалла осойишталиги, одамлар ҳамжиҳатлигига масъул инсонларнинг оддий куни бўлмайди. Шу боис ҳам "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаларида Ватан ва халқ манфаати йўлида садоқат билан хизмат қилишга тайёр, жисмоний ва маънавий соғлом, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларга эга, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўнгилли равишда ёрдам бериш истагини билдирган, энг муҳими, тегишли маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролар беминнат хизмат қилмоқдалар. Улар сафига қўшилиш истагида бўлганлар сони ҳам кундан кун кўпайиб бормоқда. Бундан фақат хурсанд бўлиш керак. Зеро, бундай инсонларнинг кўплиги нафақат маҳаллаларнинг, балки мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир.

© фото-Носир Ҳайдаров

Юқорида қайд этилган Низомда хизмат жараёнида алоҳида ўрнак кўрсаттан посбонларни муносиб рағбатлантириш, шунингдек, ички ишлар органларига хизматга қабул қилишда алоҳида имкониятлар яратилиши ҳам белгилаб қўйилган. Айни шу талаблардан келиб чиқиб, жорий йил давомида 2612 нафар посбонларнинг хизматлари муносиб рағбатлантирилди, 443 нафарига ички ишлар идораларида ишлашга йўлланма берилиб, уларнинг 136 нафари милиция сафида хизмат қилишни бошлаб юборди.

Муборак Истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллиги арафасида олти нафар маҳалла посбони давлатимизнинг мукофотларига лойиқ кўрилгани эса ушбу тузилма фаолиятига бўлган эътиборнинг юксак намунасидир.

Гайрат ПАРМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи, майор.

© фото-Носир Ҳайдаров

"Mahalla" жавоб беради

ТАНЛАШ ҲУҚУҚИ МАВЖУД

САВОЛ: — Талабалик пайтимда турмушга чиқиб, эримнинг фамилиясига ўтгандим. Саккиз йиллик турмушимиз фарзандсизлик туфайли поёнига етмоқда. Никоҳимиз бекор қилингандан кейин ҳам турмуш ўртоғимнинг фамилиясида қолишим мумкинми? Сабаби диплом, меҳнат дафтарчам, илмий даражаларимни шаҳодатловчи ҳужжатларда шу фамилия қайд этилган...

Р.ШОКИРОВА.
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: — Никоҳга кириш вақтида фамилиясини ўзгартирган хотин (эр) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли ёхуд унинг хоҳишига биноан суд томонидан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарор чиқарилаётганда унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин ("Оила кодекси", 46-модда). Демак, никоҳ бекор қилингандан кейин қайси фамилияда қолиш – сизнинг хоҳиш-истагингизга боғлиқ. Бу масалада ҳеч қандай муаммо йўқ.

НИКОҲНИ ТИКЛАШ МУМКИН, БИРОҚ...

САВОЛ: — Саккиз йил аввал опамнинг эри Россияга кетганча дараги бўлмаганди. Бу орада шўрлик опам қайларга бориб, қайси идораларга учрамади, дейсиз. Бироқ натижа чиқмади. Ниҳоят, тўққизинчи йилга келганда суд поччамни бедарак йўқолган шахс, деб топди. Шу суд қарорига асосан ўртадаги никоҳ бекор қилинди. Ярим йил аввал тўсатдан... поччамнинг дараги чиқиб, яхши инсонларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида юртимизга қайтди. Айтинг-чи, уларнинг бекор қилинган никоҳини қонуний тиклаш имконияти борми?

Б.АСҚАРОВА.
Жиззах вилояти.

ЖАВОБ: — Ўзбекистон Республикаси "Оила кодекси"нинг 48-моддасида суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган ёки бедарак йўқолган деб топилган эр (ёки хотин) қайтиб келган ва тегишли суд қарорлари бекор қилинган ҳолларда никоҳ эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи томонидан тикланиши мумкинлиги белгиланган. Бунгача томонлардан бири янги никоҳга кирган бўлса, табиийки, бекор қилинган никоҳни тиклаш мумкин эмас. Бу тартиб юқоридаги модданинг 2-қисмида алоҳида белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқий луғат

ҲАР СЎЗНИНГ ЎЗ МАЪНОСИ БОР

Фуқаролиги бўлмаган шахс — бирор-бир давлатнинг фуқароси юридик мақомига эга бўлмаган жисмоний шахс.

Чет эл фуқароси — бирор-бир чет давлат фуқаросининг юридик мақомига эга бўлган шахс.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси — қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси юридик мақомига эга бўлган шахс.

Хўжалик юритувчи субъект — мулк шаклидан қатъий назар, корхоналар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар.

Газетамизнинг навбатдаги сони 2010 йил 4 ноябрь куни чоп этилади

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар...

"НАҚД"ГА УЧИБ НАҚДИНИ БОЙ БЕРГАНЛАР

...Дилфуза узоқ ўйлади: ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилсинми ёки Ақиданинг қоп-қоп ваъдаларига ишониб юраверсинми?! Ўзига қолса-ку, дугонаси билан муносабатини бузиш нияти йўқ. Бироқ «бир ҳафтада нақд пул қилдириб бераман», дея ҳисобида салкам қирқ миллион сўм маблағ бўлган банк пластик карточкасини олиб кетганига ҳам мана уч ойдан ошди. Қўнғироқ қилса, телефонини кўтармайди ёки ўчириб қўяди, ҳатто бир неча марта уйига излаб бориб, тополмай қайтди.

Тунов куни маҳалладаги тўйда тасодифан учратиб қолганди. «Ишни битирган бўлсангиз ҳам, бўлмасангиз ҳам карточкамни қайтаринг», дея қистаганди, дугонаси тилёғламаликка ўтди: «Вой, ўртоқжон, эрта тушгача пул ҳам, карточка ҳам қўлингизда бўлади». Аммо...

Хуллас, Дилфуза Ақиданинг «ана ҳал бўлди, мана иш битди» қабилидаги ёлғонларига ортиқ ишонмай қўйди. Ниҳоят, пичоқ суякка етгач, бор дардини қоғозга туширди-да, туман ички ишлар бошқармасига борди...

Мазкур мурожаат асосида ўтказилган суриштирув натижасида жиноят иши қўзғатилди. Аниқланишича, фуқаро Дилфуза Шарипова ўзига тегишли банк пластик карточкаси ва ундан фойдаланиш паролини Ақида Назаровага, у эса ўз навбатида қўшниси Алишер Толибовга, Алишер таниши, нуфузли тижорат банкларидан бирининг пойтахтдаги филиалида масъул лавозимда ишлайдиган Жалол Ваҳобовга (мақолада исм шарифлар ўзгартирилган) берган. Шундай қилиб, Ақида, Алишер ва Жалолдан иборат учлик фуқаро Д.Шариповага тегишли банк пластик карточкасидаги 39 миллион 600 минг сўм маблағни ноқонуний равишда нақдлаштириб, ўзгаларнинг эҳтиёжларига ишлатиб юборган экан.

Бундан воқиф бўлган Дилфузанинг ранг-қути ўчди. Дугонасининг нима сабабдан ўзини олиб қочишини энди тушунгандек бўлди.

Ачинарли томони шундаки, Дилфуза юқоридаги гуруҳнинг алдовига учган ягона «мижоз» эмас экан. Дастлабки тергов жараёнида шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар ҳам аниқландики, бу фирибгарликнинг янги турлари шаклланаётганидан далолат беради. Масалан, Ж.Ваҳобов жиноий шериги А.Назарова билан бирга фуқаро Назира Саидованинг ишончига киради. Икки ҳамтовоқ олдиндан тил бириктириб, бу аёлга: «Биз Туркиядан аёллар кийим-кечакларини олиб келамиз. Сизга ўз нархида берамиз. Қолган пулингизни ҳам биринчи сўровингиздаёқ қайтарамиз», дейишади. Бундай ширин ёлғонларга лаққа тушган Н.Саидова 7 миллион 700 минг сўм пулини қўшқўллаб тутқазади. Натижа маълум: «ҳамкор»лар бу пулни ўз эҳтиёжларига харжлаб юборишади. Орадан бир муддат ўтиб, пул эгасининг омонати тақдирини сўраб берган саволлари очиқ қолади. Кейинроқ «ишбилармон»лар бу аёлга маълум қилишларича, Туркиядан товар олинган, бироқ унинг келтирилиши айрим сабабларга кўра кечикмоқда. Ана шу мазмундаги мужмал жавоб Дилфуза сингари Назиранинг ҳам кўнглига ғулғула солади.

Ёлғон-яшиқ билан кишиларнинг юрагига йўл топаётганидан илҳомланган Ж.Ваҳобов янги сценарий бўйича ноқонуний фаолиятини давом эттиради. У 2009 йилнинг декабрь ойида: «Банкка омонат қўяман, фойдасидан сизларни рози қиламан. Сўраган пайтингизда пулларингиз қўлингизда бўлади», деб фуқаролар Д.Азимов ва Ф.Бобониёзовдан 27 миллион сўм пул олади. «Ишнинг ўзини эмас, кўзини биладиган моҳир» банкир ҳеч тап тортмай бу пулларни ўзининг жиноий шериги А.Назарова билан шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

...Олмоқнинг бермоғи, емоқнинг қусмоғи бор. Ўзларини ақлли санаб, ўзгаларнинг омонатига хиёнат қилиб юрган бир гуруҳ шахслар суднинг ҳукми билан қилмишларига яраша «насиба»ларини олишди.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Тўловнинг замонавий ва қулай кўриниши ҳисобланган банк пластик карточкаларининг амалиётда кенг қўлланиши мамлакатимиз иқтисодиётининг йилдан-йилга юксалиб бораётганидан, қолаверса, юртдошларимиз фаровонлиги ортаётганидан далолатдир. Нақд пул билан бир хил тўлов қобилиятига эга бўлган мазкур карточкалардаги маблағни нақдлаштиришдан кўзланган мақсад нима? Хўп, шунга эҳтиёж ҳам туғилди, дейлик. Аммо бу масалани ҳал этишнинг қонуний йўллари ҳам бор-ку, ахир?! Карточкани бировнинг қўлига қўшқўллаб тутқазиб, ундан нажот кутиш қимматга тушмайдими? Фирибгар кимсаларнинг «фалон фоиздан кечсангиз нақд пул қилиб бераман» қабилидаги гап-сўзларига ишониб, ҳамёнидан ажраб қолаётганларнинг қисмати бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши керак.

Хулоса ўрнида айрим содда ва ишонувчан юртдошларимизга қарата шундай дегимиз келади: «Нақд пул илинжида НАҚД КАРТОЧКАНГИЗ ва ундаги МАБЛАҒИНГИЗНИ, АСАБИНГИЗ ВА УМРИНГИЗНИНГ ГЎЗАЛ ЛАҲЗАЛАРИни бой берманг!».

Н.АСЛОН,
журналист.

МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

2010 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида «Асака» банк жадал ривожланаётган йирик кредит муассасаси сифатида аниқ белгиланган стратегик дастур асосида фаолият юритди.

< [1]

Мамлакат молиявий қудратини мустаҳкамлаш, бунда банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, шу орқали аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, Марказий банк талаб ва тавсияларини бажаришдаги самарадорлик ҳақли равишда эътироф этилаётир.

2010 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида «Асака» банк жадал ривожланаётган йирик кредит муассасаси сифатида аниқ белгиланган стратегик дастур асосида фаолият юритди. Бунда асосий эътибор банк молиявий қудратини оширишга, мижозларга халқаро андозалар талабига жавоб берадиган хизматларни таклиф этган ҳолда тезкор хизмат кўрсатишга, кичик ва хусусий бизнесни жадал ривожлантириш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилдики, натижаларни қуйидаги рақамлар айтиб турибди. Яъни шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра ўтган йилнинг шу даврига нисбатан банк жами активлари 818,2 млрд. сўмга ёки 50,2 фоизга ўсиб, 2 трлн. 448,5 млрд.сўмни ташкил этди. (1-жадвал)

Даромад келтирувчи активлар 1 трлн. 792 млрд.сўмга етказилди, бу умумий активларнинг 73,2 фоизи, деганидир.

Банк жами капиталининг 76,2 млрд. сўмга ёки 25,1 фоизга ўсишига эришилди ва 379,6 млрд. сўмга етказилди. (2-жадвал)

Банк мижозлари базаси 218,6 минг нафарга ёки 37,8 фоизга ўсди ва 796,4 минг нафарни ташкил қилди. (3-жадвал)

Маълумки, банк қимматли қоғозлар фонд бозорида йирик инвесторлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу молиявий муассаса 39 корхонанинг акциядори бўлиб, уларнинг устав фондида ўз улушига эга. Акциялар портфели республика иқтисодиётининг 10 та тармоғи бўйича диверсификациялаштирилган. Банкнинг корхоналар акциялари ва устав фондларидаги улуши ҳажмига келсак, умумий миқдор 104,3 млрд.сўмни ташкил этади.

Кредит қўйилмалари ҳажми 436,3 млрд. сўмга ёки 59,4 фоизга ўсди ва сўм эквивалентида 1 трлн. 171,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Кредит қўйилмаларининг 906,3 млрд. сўм (77,4%) миқдоридаги қисми узоқ муддатли кредитларни ташкил этади. Шундан 763,2 млрд. сўми инвестицион кредитлардир. (4-жадвал)

Кредит бериш борасидаги шу йилнинг ўтган ойлари мобайнидаги миқдор 650,8 млрд. сўмни ташкил этади, шундан 326,2 млрд. сўми инвестицион кредитлар ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири экани эндиликда барчага маълум. Айни шу мақсадларда тадбиркорлик субъектларига берилган миллий валютадаги кредитлар миқдори 246,2 млрд. сўмни (уларнинг қолдиғи 430,0 млрд. сўмни), берилган микрокредитлар ҳажми 12,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Бундан ташқари банкнинг махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан 4,2 млрд.сўм, шунингдек, Осиё Тараққиёт Банки томонидан кичик ва микромолиялаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан 121 та лойиҳа бўйича 2,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилгани инобатга олинса, банкнинг бу борада амалга ошираётган ишлари кўлами яққол кўринади.

Корхоналар томонидан сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, уларнинг экспортини барқарор йўлга қўйиш мамлакат иқтисодиёти ривожида, айниқса, валюта тушумини кўпайтиришда беқиёс аҳамият касб этади. Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида банк томонидан айланма маблағларни тўлдириш учун 27 та экспорт қилувчи корхоналарга 65 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Аграр соҳани ривожлантириш, молиявий барқарор қишлоқ хўжалиги корхоналарини ташкил қилиш, бунда деҳқон ва фермер хўжаликларини зарур техника билан таъминлашда ҳам банк катта молиявий таянч бўлаётир. Бундай эзгу мақсадда 44 дона қишлоқ хўжалиги техникаси учун 944 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилдики, бу мамлакатимиз аграр соҳа ривожига муносиб улуш бўлиб қўшилажак. Шу ўринда етти хазинанинг бири ҳисобланган паррандачилик ривожи учун 23 та лойиҳа бўйича 40,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилганини таъкидлаш жоиз.

Ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Буни теран англаган банк раҳбарияти уларга имтиёзли шартларда хизмат кўрсатиш ишлари самарадорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 272 та ёш оилага 12,2 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари, 442 та оилага 1,8 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари берилди. Шунингдек, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида 1447 нафар фуқарога 6,3 млрд. сўм миқдорида истеъмол, 301 та оилага 13,6 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди. Бу истеъмол кредитлари портфели 14,7 млрд. сўмни, ипотека кредитлари портфели эса 99,7 млрд. сўмни ташкил этишини англатади.

Банкнинг ташқи молия институтлари билан йўлга қўйган фаолияти ҳам эътиборга сазовор. Рақамларга диққатни қаратсак, банкнинг лизинг портфели 193 та лойиҳа бўйича 99,2 млрд. сўмни ташкил этди. Лизинг амалиётлари иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига йўналтирилди.

Ҳозирги кунда экспорт-импорт амалиётлари бўйича етакчи хорижий банкларнинг, яъни JP Morgan Chase (АҚШ), Korea Exim Bank (Жанубий Корея), UBS AG (Швейцария), Commerzbank AG (Германия), Landes Bank Berlin AG (Германия), SMBC (Япония), RZB (Австрия), CITIBANK (АҚШ) ва бошқа банкларнинг кредит линияларидан фойдаланилмоқда.

Корхоналар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, улар томонидан ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарга ва эҳтиёт қисмларга бўлган талабни ўз вақтида қондириш мақсадида банк томонидан 623 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 229 та аккредитив молиялаштирилди.

Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш борасида аҳоли маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда банк филиалларида 77 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатларга аҳолининг бўш пул маблағлари жалб қилинмоқда. 2010 йилнинг 9 ойи давомида 25 та янги омонат тури очилди.

Банк томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини кескин қисқартириш ва аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб борилган фаол ишлари натижасида аҳоли омонатлари қолдиғи 34,9 млрд. сўмга ёки 23,7 фоизга ўсди ва сўм эквивалентида 182,2 млрд. сўмни ташкил этди. (5-жадвал)

Ҳозирги пайтда "Асака" банк тизимида 26 та филиал, 107 та минибанк, 83 та махсус касса, 42 та жамғарма касса, 952 та аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи касса ва 6 та ҳаракатланувчи касса фаолият юритмоқда. 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида коммунал ва бошқа хизматлар учун 21,7 млрд. сўм миқдорида тўловлар қабул қилинди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 млрд. сўмга ўсди.

Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Банк томонидан 4780 та терминал ўрнатилди, 592,8 минг дона сўм пластик карточкалари ва 113,7 минг дона халқаро пластик карточкалар муомалага чиқарилди, 35 та банкомат ва 35 та инфокиоск ўрнатилди. Корхона ва ташкилотларда 5960 та иш ҳақи лойиҳалари жорий этилди.

Пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми тобора ортиб бормоқда. 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида савдо айланмалари миқдори 296,9 млрд. сўмни ташкил этгани фикримизнинг яна бир тасдиғидир.

Маълумки, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини шакллантириш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойиллари жорий этилишида молия муассасалари алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис ҳам «Асака» Давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаш, мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш борасида тинимсиз изланмоқда. Юқорида билдирилган фикрлар эса шу каби изланишлар самарасининг кичик эътирофидир.

Нурмуҳаммад ЭРГАШЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Ўтган давр мобайнида «Асака» банк асосий эътиборни банк молиявий қудратини оширишга, мижозларга халқаро андозалар талабига жавоб берадиган хизматларни таклиф этган ҳолда тезкор хизмат кўрсатишга, кичик ва хусусий бизнесни жадал ривожлантириш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратдики, натижаларни қуйидаги рақамлар айтиб турибди. Яъни шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра ўтган йилнинг шу даврига нисбатан банк жами активлари 818,2 млрд. сўмга ёки 50,2 фоизга ўсиб, 2 трлн. 448,5 млрд. сўмни ташкил этди. Даромад келтирувчи активлар 1 трлн. 792 млрд. сўмга етказилди, бу умумий активларнинг 73,2 фоизи, деганидир. Банк жами капиталининг 76,2 млрд. сўмга ёки 25,1 фоизга ўсишига эришилди ва 379,6 млрд. сўмга етказилди. Банк мижозлари базаси 218,6 минг нафарга ёки 37,8 фоизга ўсди ва 796,4 минг нафарни ташкил қилди.



Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳафталик газета
Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.
Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 236-53-93 233-10-73 236-53-75, 236-57-62 Факс: — 233-39-89
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма тобоқ.
Навбатчилар: А.Тайпатов, Г.Норчаева
Мусаҳҳиҳ: Ю.Ҳожиева
Нашр кўрсаткичи: 148
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент, "Буюк Турон" кўчаси 41.
www.mahallagzt.uz mahalla@sarkor.uz
15815 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-913
Топширилди — 06.00 1 2 3 5